




Ozod yurt farzandlari

Юксак илмий ва ижодий салоҳияти билан ҳеч кимдан кам эмаслигини дадил намоён этаётган илмий, билимли ва изланувчан ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётди. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 2-курс магистранти Хулкар Сулаймонова ана шундай истеъдодли ёшларимиздан.

ХУЛКАРНИНГ ОРЗУСИ

стипендияси соҳибаси бўлди. Бу вақт мобайнида унинг Наманган давлат университети катта ўқитувчиси Маҳмуджон Муҳиддинов билан ҳамкорликда тайёрлаган «Ўзбекча-арабча сўзлаш-гич», «Энг осон араб тили» ўқув қўлланмалари на-шрдан чиқди.

Хулкар Сулаймонова 2011-2012 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртли магистрантлари ўртасида ўтказилган танловда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Бундай юксак ишончдан қувончи чексиз Хулкар шу кунларда илмий-тадқиқот ишлари билан банд. Оразуи шарқшунос олима бўлиш.

Хотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернс қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланиб, изчил мустақамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Уильям Бернс, ўз навбатида, Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Батафсил суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида томонлар ўзаро конструктив ҳамкорлик борасида салмоқли тажриба тўплагани таъкидланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлики фаол ривожлантириш имконини берадиган кенг қамровли ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги мунтазам алоқалар, кенгайиб бораётган парламентлараро, давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги кўп томонлама мулоқотлар ўзаро муносабатларни комплекс тарзда рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Учрашувда томонлар АҚШнинг қатор етакчи корпорацияларининг Ўзбекистон бозоридаги самарали фаолияти натижасида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

У Наманган вилояти Чортоқ туманида туғилиб-воёга етган. Ўқишдан, изланишдан чарчамайдиган қиз. Чортоқ педагогика коллежидан таҳсил олиб юрган кезлари иккита китоби чоп этилган. Ўзи ту-

тилган қишлоқнинг тарихига бағишланган "Гулди-ров қишлоғи" ҳамда кўнгил кечинмалари ва самимий туйғулари бадиий ифодасини топган "Томчи" тўпламини китоб-хонлар илиқ қарши олган.

2006 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари сафидан жой олган Хулкар ўқишни Тошкент давлат шарқшунослик институтида давом эттирди. 2009 йили Навоий номидаги Давлат

ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, олий таълим муассасалари ректорлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқлари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2012 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси ва республика олий таълим муассасаларига қабулни ташкил этиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Qaror va ijro

(Давоми 2-бетда.)

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligiga

ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Шу йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари сони ва таркибининг ўзиёқ дунё миқёсида бу мавзуга қизиқиш ва эътибор нақадар катта эканини тасдиқла-

XXI аср — рақобат асри!

Президентимиз маърузасида иштирокчилар эътибори халқаро форумнинг бош мавзусига қаратилди. Ўзбекистонда таълим-тарбия замонавий давлатни изчи-л ва барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг ҳал қилувчи энг муҳим шарти сифатида қўрилмоқда. Бундай янги-ча

қараш таълимга бўлган эскича муносабатларни тубдан ўзгарти-ради. Дунёнинг энг ривожлан-ган давлатлари таълим ва илмга асосланган модернизацияга тая-ниб бугунги даражага эришган. Демак, таълим-тарбияга оила, мактаб, институт миқёсидаги ло-кал масала деб эмас, балки ҳар бир давлат чегараси ичидagi иж-тимий, иқтисодий, сиёсий, тех-нологик муаммоларни ечувчи қа-

ди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом та-раққиёт банки намоёндалари, 8та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаси вакилла-ри, 48та давлатдан келган 270 нафар му-тахассис — қарийб 1000 нафар иштирок-чи асим Тошкентнинг қоқ марказида қад ростлаган "Маърифат маркази"нинг Сим-позиумлар саройида тўпланди.

лит, барқарорлик, тараққиёт, мо-дернизациянинг энг муҳим шар-ти сифатида қаралмоқда.

Биз яшаётган XXI асрга тур-лича таърифлар берилмоқда. Бироқ конференция иштирокчи-лари Президентимиз таъкидла-ган яна бир сифатни ён даф-тарларига ёзиб олишди: «XXI аср — рақобат асри!».

(Давоми 8—9-бетларда.)

ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва тавсияномага эга абитуриентларга бериладиган имтиёз жами тўплаш мумкин бўлган балнинг 25 фоизидан 27 фоизига кўпайтирилгани таъкидланди. Айни пайтда ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовиди) керакли балл тўплай олмаган абитуриентларни ўқишнинг педагогика, кишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш борасидаги имтиёз бекор қилинди. Мазкур тоифадаги абитуриентлар барча қатори танловда иштирок этиши ҳамда тўплаган балига имтиёз бали қўшилганда ўтиш ба-

лидан юқори бўлсагина ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Керакли балл тўплай олмаган абитуриентлар шу тўплаган бали билан кириш имтиҳонидаги фанлар блокларига мос бўлган ва ўтиш бали бундан паст бўлган йўналиш бўйича Давлат комиссияси қарори билан аризасида кўрсатилган бошқа олий таълим муассасасига ўтиб ўқиш имконияти яратилганлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юми қайд этилган 2012 йил 4 июндаги қарорининг ижросини сўзсиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур қарорга асосан янги ташкил этилган институтда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий усуллари, инновацион техника ва тех-

нологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил республика умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 560 минг 345 нафар ўқувчи тугатади. Шундан келиб чиқиб, 2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар

коллежларига тўлиқ қамраб олиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга реал эҳтиёжини қоплаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг касблар бўйича қабул параметрлари Давлат комиссияси мажлисида тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорларида белгиланган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнининг ўрнатилган тартибда адолатли ўтишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Истеъдод» жамғармаси томонидан ёш олимлар, иқтидорли ва қобилиятли талабаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун муносиб шароит яратиш мақсадида «XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остида ҳудудий ва республика анжуманларини ўтказиш режалаштирилган.

Ҳудудий анжуманларнинг бири Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтди. «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини тизимли ривожлантириш: талаб ва тақлифнинг мослиги» мавзусидаги ушбу конференцияда олий ўқув юртли ва илмий текшириш институтларидан 200га яқин ёш олим ва талаба иштирок этди.

Уч секцияда олиб борилган анжуманда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари ривожининг ҳозирги ҳолати, уни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, устоз-шогирд тизимидаги ишларни мустаҳкамлаш, фан-техника ривожига уларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги бир

қанча маърузалар тингланди.

— Мен анжуманда «Ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига компьютер ёрдамида матнларни таржима қилиш» мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим, — дейди Тошкент ахборот технологиялари Нукус филиали талабаси Азизбек Қодиров. — Бу мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда ўзбек тилида кўпгина турли адабиётлар чоп этилаётган бўлса-да, бу борада қорақалпоқ тилида танқислик сезилмоқда. Шу сабабли биз яратган дастур ёрдамида ҳар қандай матнни таржима қилиш имкони бўлади. Келажакда устозим Шайхмад Бурҳонов билан биргаликда рус тилидан қорақалпоқ ва ўзбек тилига матнларни таржима қиладиган янги дастур яратиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Анжуман сўнгида иштирокчилар томонидан билдирилган қатор таклиф ва тавсиялар қабул қилинди. Энг яхши маърузачилар «Камолот» ЁИҲ томонидан муносиб тақдирланди.

Конференция давомида иштирокчилар учун бир қанча маданий тадбирлар, музей ва тарихий обидаларга саёҳатлар ташкил этилиб, республиканинг маданий-маънавий мероси, бой тарихи билан ҳам кенг таништирилди.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимизда маданият ва санъатни янада тарққий эътириш борасида 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар, шунингдек, жорий йил Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига ўзбекистонлик спортчиларнинг тайёргарлигига оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

САМАРА НАТИЖАДА КЎРИНАДИ

Жорий йилнинг ўтган даврида вазирлик томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз театрлари сахналарида ижодкорларнинг 150дан ортиқ асарлари театрлаштирилиб, томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилди. Вазирлик томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловининг туман(шаҳар) босқичи ҳудудларда бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спортчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон спортчилари халқаро мусобақаларда 62 олтин, 57 кумуш, 54 бронза, жами 173 медални қўлга киритди. Юртимизда қўллаб халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилди. Спортнинг қўллаб турлари бўйича 53 нафар спортчимиз Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритди.

Ушбу спортчиларимиз халқаро турнирларда ўз маҳоратини синовдан ўтказиб, хорижда ва мамлакатимизда ташкил этилаётган ўқув машғулотларида тажриба орттирмоқда.


Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАР БИР БОЛА — ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом вояга етиши учун кўмаклашиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос шакллантирилган ва тегишли қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар ижроси изчил таъминланаётир.

Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ушбу мақсадда барча Мехрибонлик уйлариининг моддий-техник базаси яхшиланиб, замонавий шарт-шароитлар яратилаётир. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-Мехрибонлик уйи ҳам ана шундай файзли ижтимоий муассасалардан бири.



108 ўғил-қиз бир оила фарзандларидек аҳил-иноқликда яшаётган Мехрибонлик уйида ҳар бир байрам катта шоду хуррамликда нишонланади. Спорт, мусика ва санъат йўналишидаги тўғарақлар болалар бўш вақтини мазмунли ўтказишида қўл келмоқда.

Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг фан олимпиадаларида, турли танловлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келаётгани бу ерда таълим-тарбия ишлари самарали йўлга қўйилганидан далолатдир.

Суратларда: Мехрибонлик уйи директори Светлана Сон тарбияланувчилар билан;
Жасур Дарябоев ва Каллибек Пийшенбоев.
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

МАКТАБ БОГИГА САЁХАТ

Мирзачўл туманидаги 16-умумтаълим мактабида хўжалик тармоқларида кишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштиришга бағишланган семинар ўтказилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда аҳоли томоқчаларидан унумли фойдаланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосилдорлигини интенсификация билан оширишга эътибор қаратиш долзарб вазифа экани таъкидланди. Мактаб боғига уюштирилган саёхат давомида биология фани ўқитувчиси З. Хидирова синфларга бириктирилган ер майдонлари, қўчат ва экинларга берилаётган агротехник ишлов тўғрисида маълумот бериб ўтди. Мактаб директори И. Ақабаев мактаб моддий базасини мустаҳкамлашда сабзавот ва полиз экинларидан мўл-ҳосил етиштириш дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашини айтиб ўтди.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА
Мирзачўл тумани

Юртимиз олий ўқув юртларида қизгин жараён — битирувчи талабаларнинг битирув-малакавий ишлари ҳимояси бўлиб ўтмоқда. Маълумки, олий таълим муассасалари бакалавриатида битирув-малакавий ишини бажариш ўқишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Малакавий иш катта ҳаёт олдидида турган бўлғуси мутахассиснинг бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис айни кунда талабалар томонидан олиб борилаётган кичик тадқиқотлар замирида шунчаки соҳага тааллуқли фанларнинг назарий асосларни ўрганиш ва уни қайта такоррлаш эмас, бевосита амалиёт билан боғлиқ муаммоларнинг ечимлари ётгани аҳамиятлидир. Жумладан, Тошкент автомобиль ва йўллар институтида олиб борилган изланишлар натижалари юртимиз иқтисодиёти тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.



Jarayon

ги — унда асфальт бетондан фойдаланиш назарда тутилган.

Барча талабалар тақдим этаётган илмий лойиҳалардаги мавзулар ана шундай аниқ йўналишли ва мақсадлидир. Бунда албатта уларга тахсил берган, йўл-йўриқ кўрсатган, қизиқишларини қўллаб-қувватлаган профессор-ўқитувчиларнинг, илмий раҳбарларнинг ҳиссаси катта. Масалан, «Самарқанд вилоятидаги II тоифали «Самарқанд—Ашхобод—Туркманбоши» автомобиль йўлининг 150–155 км. бўлағини мукаммал таъмирлаш технологик жараёнини ташкил этиш» лойиҳаси муаллими Нўмонжон Қиямов илмий раҳбари, «Автомобиль йўллари ва аэродромлар» кафедраси катта ўқитувчиси В.Раҳмоновдан миннатдорлигини таъкидлайди. Лойиҳани яратиш давомида устозидан

ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН, ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОРЛОҚ БЎЛСИН!

— Тошкент автомобиль ва йўллар институтини «Ўзавтойўл» ДАК, «Тошавтотранс» уюшмаси, «Samauto», «Mercedes Benz» техник хизмат кўрсатиш марказлари каби соҳанинг етакчи ташкилот ва корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатган, — дейди институтнинг ўқув-исланий бўлими бошлиғи Фуломнаби Имомназаров. — Бу талабаларнинг назарий билимларини автотранспорт ва йўл ҳўжалиги корхоналарида амалий жиҳатдан чуқурлаштириш ва ихтисослик фанларини ўрганиш кўрсаткичлари ҳамда касбий кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга битирув-малакавий ишларининг мавзуларини белгилашда ҳам маъруза ҳамжиҳатлигининг аҳамияти бекиёс. Жорий йилда олиб бориладиган изланишларда иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ҳамда техниканинг ривожланиши ва соҳага тааллуқли мавжуд муаммоларнинг замонавий ҳолати акс этган. Битирув-малакавий ишлари мамлакатимиз минтақавий шароитини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ва ҳаётан автомобиль саноатининг сўнгги йиллардаги ривожини, автотранспорт тизимини ривожлантириш, модернизация қилиш, ёнгилар сарфига таъсир қилувчи омиллар тизимининг таҳлили, уни тежаш ва самардорлигини ошириш йўллари каби долзарб мавзуларни қамраб олган. Шунингдек, жорий йилда фол инвентаризацияларни соҳага жалб қилиш, шаҳар ва магистраль автомобиль йўлларининг транспорт эксплуатация қўрсаткичларининг таҳлили, йўлларнинг ўтказиш қобилиятини ҳисоблаш, транспорт воситаларининг тирбандлигини камайтириш каби йўналишдаги тадқиқотлар миқёси ҳам ортганлиги кузатилди.

Институтда битирув-малакавий ишларининг сифатини талаб даражасида ошириш учун йил давомида диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Мухими, битирув-малакавий

Тошкент автомобиль ва йўллар институтини талабалари шундай эзгу ният билан битирув-малакавий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилмоқда

ишларига раҳбарлик қилиш учун ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари, ўқув марказлари ходимлари ва кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари жалб этилган. Олий таълим муассасаси бўйича битирув-малакавий ишларини бажарувчи талабалар умумий сони 862 нафарни ташкил этган. Шулардан 692 нафари ишлаб чиқариш буюртмалари асосида тадқиқот олиб борганлиги битирув-малакавий ишларининг долзарблигини кўрсатади.

— Айни пайтда «Йўл қурилиши» факультетини 3та — бино иншоотларини қуриш, автомобиль йўллари ва аэродромлар, транспорт иншоотлари эксплуатацияси йўналишларида жами 154 нафар битирувчимиз битирув-малакавий ишларини тақдим этишмоқда, — дейди факультет декани Абдунаим Облоқулов. — Малакавий ишларнинг мавзулари ҳам долзарб, ҳам ҳаётлиги юқори баҳога муносиб.

— «Навоий вилояти Кармана тумани ҳудудига жойлашган М.Торобий номидаги II тоифали кўча йўли 0,5 км. бўлагининг пойини қуриш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш» мавзусидаги битирув-малакавий ишни ёқладим, — дейди Маҳмудали Агломов. — Маълумки, бугунги кунда автомобиль сони ва йўл қатновларининг ошиши юқори сифатли йўллар қурилиши, таъмирлаш ишлари ўз вақтида олиб борилишини талаб этади. Автомобиль йўлларини қуриш комплекс иш бўлиб, бу жараён тайёрлов ва асосий босқичдан тайёрлов. Илмий ишимда баён этилган йўл қурилишининг биринчи босқичида ҳали йўл мавжуд бўлмаганлиги сабабли ер бута ва тошлардан тозаланиши зарур. Йўл ва йўл пойининг мустаҳкам ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида тайёрлов

босқичида тупроқнинг оптимал намлиги орқали оптимал зичликка эришиш учун пардозлаш ишлари олиб бориш керак. Қурилиш ишларидаги техник хавфсизлигини таъминлаган ҳолда технологик жараёнини ташкил этишни ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда чизмаларда акс эттиришга ҳаркат қилдим. Қурилиш материаллари эса, ўз навбатида, ўша ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиқиб танланади.

— Хорижий корхоналар билан кенг ҳамкорлик ўрнатилган, ўзаро тажриба алмашишда тил билишининг ўрни катта, — дейди Феруз Шокиров. — Шу боис чет тилларни мукаммал ўзлаштиришга ҳаркат қилдим ва бугун «А-378 «Самарқанд—Қарши» автомобиль йўлининг 72—77 км. йўл тўшамасини қуришда саноат ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб технологик жараёнини ишлаб чиқиш» номли лойиҳамни инглиз тилида ёқладим. Бугун қўлай, самарали, арзон ва барча иқлим шароитларида чидамли йўл-қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жорий этиш эътиборли масала. Диплом лойиҳада ҳар хил чиқиндилардан иборат аралашмани йўл қатламга қўшиш орқали йўл қопламаларининг сифатини ошириш ва узоқ муддатга хизмат қилишига эришиш бўйича тақлифлар билдирдим. Шунингдек, бу изланишларим йўл-қурилиш материалларини тежашда ҳам асқотади, деб умид қиламан.

Малакавий амалиёт жараёни талабанинг илмий салоҳияти ўсишига, қизиқишларининг маълум мавзуга йўналишига хизмат қилади.

— «Қибрай туман йўл қурилиш-пудратчи» корхонасида амалиёт ўтадим, — дейди битирувчилардан яна бири Ўлмасбек Норов. — Шу аснода бугун диплом лойиҳаси си-

фатида тақдим этаётган «Тошкент вилояти Қибрай туманидаги узунлиги 4 км. бўлган, «Геофизика кўргони — Амир Темур маҳалласини боғловчи II тоифали автомобиль йўлининг йўл тўшамасини мукаммал таъмирлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш» мавзусида изланиш олиб бордим. Мавзу бўйича таъмирлаш ишлари асосан йўл трассасининг ўзига амалга оширилади. Йўл тўшамасининг остки қатлами баландлиги 32 см.ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳанинг сочма йўл ёқасини қуриш, саёз сув ўтказгични ўрнатиш, пидедалар юриш йўлакчаларини қуриш каби бўлимларида амалга оширилиши керак бўлган барча вазифалар белгиланган. Йўл тўшамаси асосининг юқори қатламига битум қуйиш, пидедалар юриш йўлакчасининг устки қатламини асфальт-бетондан қуришнинг технологик харитасини ишлаб чиқаришнинг таъмирлашнинг жадаллик билан олиб борилишига замин яратди.

— Қопламанинг турларига қараб йўллар цемент-бетон, қора шағал ва қора қопламали каби бир неча турга бўлинади, — дейди Ксения Мазлово. — Шунингдек, автомобиль йўли билан аэродром йўли фарқланади. Қолаверса, йўлга тушадиган оғирлик ва йўл ҳажминини инобатга олган ҳолда аэродромлар учун энг сифатли ва чидамли йўл тўшамаларидан фойдаланиш энг мақбул вариантдир. Мен тақдим этаётган лойиҳада Тошкент аэропортида йўл қурилиш ишларини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш кўзланган бўлиб, бунда йўлнинг ҳажми, узунлиги, кенлиги аниқ белгиланган. Уч босқичдаги ишлар схема шаклида аниқ кўрсатилган. Қурилишнинг асосий ўзига ҳосли-

олган сабоқлари Нўмонжоннинг танлаган илмий тадқиқот иши мазмунига янада чуқурроқ кириб боришида муҳим омил вазифасини ўтади.

— Битирув-малакавий иш катта ҳаётга берилаётган йўлланма, битирувчининг келгусидаги фаолиятини белгилувчи асосдир, — дейди институтнинг битирув-малакавий ишлари бўйича давлат аттестация комиссияси раиси, «Ўзавтойўл» ДАКга қарашли «Йўллойиҳа» бюроси бош муҳандиси Бахтиёр Аҳмедов. — Илмий тадқиқотчиликка биринчи катта қадам бўлган диплом лойиҳаларини баҳолаш 100 баллик тизимда амалга оширилмоқда. Талабаларнинг кўпчилиги юқори балл билан аъло баҳога лойиқ топилар экан, уларнинг илмий салоҳияти кўчилиги яна бир бор амин бўлди. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда автомобиль ва йўллар соҳасига, қолаверса, шу йўналишда етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган эътибор самарасидир.

Сўнгги йилларда кенг ва раван йўлларимиз юртимиз хусусига янада чирой қўшаётганлиги дилларга гурур бағишлайди. Бундай қўлайликлар узоқ манзилларимизни яқин қилмоқда. Zero, халқимизнинг пурмаъно нақлларида ҳам йўл қуриш, уни кенгайтириш савобли иш дея баҳоланади. Ана шу бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшишни ният қилган, шу йўлда изланишларини бошлаган Тошкент автомобиль ва йўллар институтини битирувчиларининг эртага ҳаётда ўз муносиб ўринларини топишларига, юрт тараққиётига хизмат қилувчи мутахассис бўлишлари шубҳасиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Андижон шаҳрида касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Жорий 2011-2012 ўқув йилида Андижон вилоятидаги 12 академик лицей ва 117 касб-хунар коллежини 107 мутахассислик йўналиши бўйича 47 минг нафардан зиёд ўқувчи битирмоқда. Аини кунда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилаётир.

Андижон вилояти ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими бошқармалари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада 2 минг 500 нафарга яқин битирувчи иштирок этди. Уларга вилоятдаги 366 корхона ва ташкилот томонидан 3 минг 200дан ортиқ бўш иш ўрни тақдир этилди.

Меҳнат ярмаркасида минг нафардан ортиқ ёш мутахассислар турли корхона, ташкилот ва муассасаларда доимий ишлаш учун йўлланма олди. Қатнашчиларнинг ишга жойлашиш ва меҳнат қонунийлигида оид саволларига тегишли мутахассислар томонидан жавоблар берилди.

Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида оилавий маросимларни ўтказишда дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш, бунда жамоатчилик ва ёшларнинг фаоллигини оширишга бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда ташкил этилган он-лайн мулоқотда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар ва ёшлар иштирок этди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилаётган "Қадрият, урф-одат, аъёна ва ёшлар" фестиваллари, "Мустаҳкам оила — жамият пойдевори" туркумидаги он-лайн мулоқотлар ҳам турмуш оstonасида турган йигит-қизларнинг бу борадаги билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда оилавий маросимларни миллий урф-одатларимизга мос тарзда нишонлаш, дабдабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган долзарб вазифалар, йигит-қизларнинг бу борадаги билимини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Бухоро шаҳридаги қадимий Лабиҳовуз майдонида аъёнавий XII "Ипак ва зираворлар" фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Бухоро минтақавий бўлими ва қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ипак ва зираворлар" фестивалида мустақиллик шарофати билан қайта тикланган халқимизга хос ана шундай эзгу аъёна ва қадриятларимиз кенг намойиш этилмоқда.

Фестивални ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқларни халқимизга, шунингдек, хорижий сайёҳларга таништириш, чет элликларнинг юртимизга қизиқишини янада ошириш ва шу орқали туризм равнақиға ҳисса қўшиш, қолаверса, халқ усталирининг ўзаро таъриба алмашишига кўмаклашишдан иборат.

Тадбир иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар Лабиҳовуз яқинидаги Бухоро ҳунармандчилигини ривожлантириш марказида фаолият кўрсатаётган ўймакор усталар, заргарлар иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

"Ипак ва зираворлар" фестивали кўргазмасида маҳсулотлар савдоси ҳам ташкил этилди.

Андижон шаҳрининг «Боғи Бобур» дам олиш масканида ҳайвонот боғи очилди.

Ҳайвонот боғига Африка, Жанубий Америка ва Марказий Осиё ҳудудларидан турли-туман ҳайвонлар келтирилган бўлиб, улар орасида ўнлаб турдаги экзотик ва нодир жониворлар ҳам мавжуд.

— Мақсадиимиз вилоятимиз аҳли, айниқса, болажонларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга муносиб ҳисса қўшиш, уларнинг она табиятга, ҳайвонот дунёсига бўлган қизиқиш ва меҳрини янада кучайтиришдан иборат, — дейди "Wild nature of Asian" масъулияти чекланган жамияти директори Маҳмуджон Иминов. — Келгусида боғимиздаги ҳайвонлар турини янада кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Ҳайвонот боғига ташриф буюрган меҳмонлар ва болажонлар мамнун.

— Ҳайвонот боғи очилганини эшитиб, бутун оиламиз билан томоша қилгани келди, — дейди Асака туманидаги 59-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ойдинно Мухаммад-жонов. — Андижонда одамлар мириқиб хордик чиқарадиган яна бир аjoyиб маскан барпо этилганидан беҳад хурсандимиз.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Оилавий ансамбллар беллашуви

Шахрисабз туманидаги маданият саройида «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан ўтказилган оилавий ансамбллар республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 86та оилавий ансамбль ўз томоша дастурлари билан иштирок этди. Қизгин кечган баҳслар якунига кўра, олий ўрин Хоразм вилоятидан Рўзметов-

лар оиласига, 1-ўрин Балиқчи туманидан Ражаббоевлар ҳамда Шахрисабз туманидан Абдуллаевлар оиласига насиб қилди.

Ғолиблар Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Олтин мерос»

жамғармаси туман бўлими, республика Халқ ижодиёти маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан қимматбаҳо совға ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Насриддин БОТИРОВ,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими

Битирувчилар тақдирига барча масъул

Олмасор туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабида «Соғлом авлод — жамият бойлиги» мавзусида йиғилиш ўтказилди. Мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига йўналтириш, қизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган йиғилишда мактаб ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, оилавий поликлиника ходимлари иштирок этди.

Жорий йилда ушбу мактабни 272 нафар ўқувчи тамомлайди. Уларнинг 80 фоизи касб-хунар коллежлари, қолган қисми эса академик лицейларда ўқишни давом эттириш истагини

билдирган. Битирувчилар «мактаб — маҳалла — оила» ҳамкорлиги асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига йўналтирилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида яратилган шарт-шароит, кичик мутахассис кадрларга бўлган эътиҳ мавзусида атрофлича фикр юритишди. Шунингдек, ёшлар орасида эрта турмушга чиқиш ёки уйланиш ҳолатларининг салбий оқибатларига ҳам батафсил тўхталишди. Кўпни кўрган кескалар сўзга чиқиб, ёшларга оила — муқаддаслиги, кўнгил билан ҳунар ўрганиш зарурлиги тўғрисида ҳаётий сабоқ беришди.

Олим ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Онам айтган аллалар

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Огаҳий номидаги вилоят мусика ва драма театрида ўқувчи-ёшлар иштирокида «Онам айтган аллалар» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов янгидан-янги педагогика коллежи ўқувчиси истеъдодларни кашф этди. Рисолат Рўзметова, ёр-ёр Алла йўналиши бўйича Хива йўналиши бўйича Урганч ма-

даният ва санъат коллежи ўқувчиси Гуласал Ҳожиқонова, лапар йўналиши бўйича Ҳазорасп педагогика коллежи ўқувчиси Ипнотир Кўзиева биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Ҳисобот концерти

Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги академик лицейда халқаро ва республика танловлари ғолиблари иштирокида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» мавзусида ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Концертни доирачилар дастаси очиб берди. Ўзбек, қорақалпоқ, рус, озарбойжон, грузин, венгер халқларининг диалогтар наволарини мусика ихлосмандлари завқ билан тингладилар.

Профессор Дилором Омонуллаеванинг «Сен кетарсан» кўшигини лицейнинг «Эстрада ижрочилиги» бўлими ўқувчиси Даяна Шахметова ижро этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Томошабинлар диққатини тортган яна бир асар — композитор Анавар Эргашевнинг «Шарқона каприччио» асаридир. Кучли характер ва мураккаб ижронини талаб этадиган ушбу асарни «Торли чолгулар» бўлимининг 1-босқич ўқувчиси Руслан Мазюков маҳорат билан ижро этди.

Зебо НАБИЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Кўчма дорихоналар аҳоли хизматида

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

El sog'ligi — yurt boyligi

Тадбирда компаниянинг аҳолига зарур дори-дармон етказиб бериш ҳамда дорихоналар хизмат сифатини яхшилаш борасида амалга ошираётган ишлари бўйича оммавий ахборот воситаларига маълумот берилиб, таклиф-мулохазалар ўрганилди.

«Дори-дармон» компанияси фармацевтика бозорида салмоқли ўринга эга. Унинг таркибига 8та акциядорлик жамияти ва 10та шўъба корхонаси, 17та дори омборхонаси, 15та

назорат таҳлил лабораторияси ҳамда 1220та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Компания республикадаги ижтимоий муассасаларга ва юқори нархдаги дори воситаларига муҳтож беморларга ҳомийлик кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили компания ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ижтимоий муассасаларга 442,68 млн сўм, халқ таълими муассасаларига 250,0 млн сўм, спортни ривожлантириш учун 172,12 млн сўм миқдорида ҳомийлик маб-

лағи сарфланди.

— Чека ҳудудлар аҳолисини турли дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш учун 2010 йилдан буён 14та «ISUZU» русумли изотермик автофургон хизмати йўлга қўйилди. Аҳолига катта қулайлик яратётган бундай кўчма дорихоналар ҳаракати жадвалга мувофиқ тузилиб, 2011 йил 1 млрд 703,4 сўмлик, 2012 йилнинг 1-чорагида 342,3 млн сўмлик дори воситалари ва тиббий анжомлар савдоси амалга оширилди, — дейди «Дори-дармон» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Оқилжон Ҳожиетов.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА

Ҳамкорлик учрашуви

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика марказида «Соғлом авлод учун» ва «Мактабгача таълим» журналлари ижодий жамоаси билан ижодий учрашув ўтказилди.

Тадбирда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган МТМ психологлари, жисмоний тарбия мураббийлари ва марказ ходимлари иштирок этди.

— «Мактабгача таълим» журнали соҳа ходимлари учун илмий, амалий ижодий кўмак-

чи бўлиб келмоқда. Чоп этилаётган ўқув-услубий материаллар, машғулот ишланмалари, эрта ва янгиланган барчамизга бирдек қимматлидир, — дейди ММХҚТМОРЎММ директори ўринбосари Муҳаббат Расулова.

Тадбирда 1992 йилдан буён чоп этиб келинаётган «Мактабгача таълим» журналининг МТМлар ҳаётида муҳим ўрин тутиши, нашр республикамизнинг энг чека туман ва қишлоқларидаги мутахассисларни ўзаро таъриба алмашишга қорлайдиган журнал эканлиги алоҳида таъкидланди.

Насиба ЭРХОНОВА

БОЛАНГИЗ МАКТАБГА ТАЙЁРМИ?

Янги ўқув йилида республикаимиз умумтаълим мактабларининг 1-синфига жами 488 793 нафар (1 май ҳолатига кўра) ўқувчилар қабул қилиниши кутиляпти. Улардан етти ёшлар сони 419 790, олти ёшлар эса 69003 нафарни ташкил қилади. Демак, шунча фарзандларимиз сентябрда мактаб остонасига илк бор қадам қўяди. Улар тайёрлов гуруҳларида қанчалик пухта ўқитилса, кейинги таълим босқичи шунчалик самарали, сифатли бўлади. Бу иш асосан мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади. Демак, мактаб ва боғча ҳамкорлигининг фойдаси катта. Ҳамкорлик деганда байрамлар ёки бошқа сабаб билангина мактабдан боғчага, боғчадан мактабга бориб, тadbирларда иштирок этишни тушунмаслик керак. Бу борада ўрнатилган арзидиган тажрибага эга таълим муассасалари талайгина.

Уч томонлама манфаат

Ўқув йили якунланиши муносабати билан Сергели туманидаги 104-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Ильмира Ҳасанова ташкил этган ота-оналар йиғилиши шунчаки хайрлашув кечаси эмас, балки ҳамкорликдаги тахлилӣ сарҳисоб тарзида ўтди. Ҳар бир ота-она фарзандини мактабга тайёрлаган тарбиячи-мураббийлар ҳамроҳлигида келгани ҳам йиғилишнинг ўзига хос жиҳати бўлди. Дастлаб ўқитувчи мазкур мактаб атрофидаги 46-, 318-, 539-, 552-МТМларда тарбияланган ўқувчиларга алоҳида тавсифнома берди. Хусусан, 552-МТМ ходимаси Малика Ҳамроева тарбиялаган беш нафар боланинг боғча даврида эгаллаган кўникмаларига нисбатан шундай муносабат билдирилди: олти ёшли Ақобирда математик тасаввурлар яхши ривожланган, кўл моторикаси фаол. Сарварбекда эса ёдлаш кўникмаси тўлиқ шаклланиган, жисмоний фаол, бироқ ёзув малакаси унчалик эмас. 318-МТМдаги Муҳаббат Толипова гуруҳида тарбияланган Нафиса жамоа билан киришмиш, маълумотларни тез илғаб оладию, меҳнат дарсида қайчи билан ишлашга қийналади. Барчинойнинг эса математика ва ёзувдан қобилияти яхши, ҳаракатчан, ўқув қуролларини тоза-озода сақлайди, аммо матн ва шеър ёдлашда бироз қийналади. Бундай пайтларда ота-оналар ҳам болаларга ёрдам бериши керак...

Ҳар бир ўқувчи ҳақида батафсил маълумот берилган, Ильмира Ҳасанова шундай деди:

— Фаолиятимизга бу тарзда тахлилӣ назар билан қарашдан мақсад қайсида тарбиячи мактаб ёки танқид қилиш эмас, балки гуруҳларида тарбияланган болаларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳақида маълумот бериш эди. Боғча опалар йўл қўйилган ҳатолардан ҳулоса чиқариб, келгуси фаолиятини белгилаб олишда, деган ниятдан. Бу билан ўқитувчиларга бошланғич таълимга тайёр ўқувчилар етказиб берилди. МТМларда чиниқиб келган болада адаптация жараёни ҳам осон кечади. Тўғридан-тўғри оилалардан мактабга келган болалар эса тортинчоқ бўлиб, ҳарф элементларини ёзишда ва ўқиш техникасини

қўллашда қийналади. Ижодий ўйинлар, тadbирларда, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдиришда сусткашлиги сезилади. Оилада тарбияланган болалар иқтидорини камситмоқчи эмасмиз, уларнинг ижодий хислатлари ҳам кўп. Масалан, бобо-бувилари тарбиясини олган ўқувчиларда бетгачонарлик, кўрслик каби салбий ҳолатлар кузатилмади. Тартиб билан вазифаларни бажариб, дарсларга қулоқ солишди. Бироқ мустақил фикрлаш, тез қарор қабул қилиш, диққатни жамлашга қийналишди. Бундай болаларни синф жамоасига тенглаштириш учун бошланғич синф ўқитувчиси кўп меҳнат қилиши керак. Улар билан индивидуал ишлаб, иқтидорларини юзага чиқаришда кўмакчи бўлиш зарур.

Ҳар бир МТМ ва мактаб ўртасида шундай ҳамкорлик йўлга қўйилса, уч томонлама манфаатли бўлади: тарбиячилар болаларга мактаб давригача эгалланиши зарур бўлган кўникмаларни пишиқ-пухта ўргатади, ўқитувчи янги ўқувчи билан шугулланиши энг қийиндан бошламайди, бола қийналмай мактаб шароитига мослашади ва билим олишга машаққат деб эмас, муваффақият деб қарайди.

Бола учун энгиллик

Биринчи синфга қабул қилинаётган болаларнинг мактабгача таълим муассасасига қамраб олинмаган қисми ота-оналар талаби билан мактаблар ва МТМлар қoшида ташкил қилинган шанба-яшанбалик ва кунчи қисқартирилган гуруҳлардан келгуси таълим жараёнига тайёрланади. Шу билан бирга, ҳарф қисмларини ёзишни, математик содда мисоллар ва мантиқий саволларга жавоб беришни, санашни, партада тўғри ўтиришни ўрганади. Синф жамоаси билан дустона муносабат ўрнатиш, самимий мулоқотга киришиш кўникмасига эга бўлади. Самарқанд вилояти Оқдара туманидаги 11-МТМда ҳам айни дамда тарбияланаётган 85 нафар болалардан 12 нафари бу йил мактабга чиқади. Ўтган йили эса 25 нафар тарбияланувчи ҳудуддаги 2-, 5-мактабларга қабул қилинганди. Жамоа меҳнатининг самараси ҳақида 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Рафoат Нурмуродова шундай деди:

— Синфимдаги 11 нафар

ўқувчи 11-МТМдан келган. Боғчада мусиқа, инглиз тили, моҳир қўллар, рақс тўғралақларида қатнашганликлари учун дарсда фаол бўлишди. Улар тadbир ва ижодий кечаларда ифодали ўқиш, образли роқларни ижро этишда ҳам етакчи. Қисқа муддатли гуруҳлардан келган болаларда ҳам мактабга хос кўникмалар ривожланган. Ўқиш-ёзишга махсус йўналтирилиб тайёрлангани учун унли-ундош ҳарфларни фарқлайди, ёзув қоидаларига амал қилади. Уларнинг кўпчилиги олти ёшли болалар.

Олти ёшдан мактаб таълимига жалб қилинаётган болалар масаласида сўз кетганда,



Шаҳрисабз туманидаги ибратли ишларга тўхталиш ўринли. Ўтган ўқув йилида тумандаги 55-МТМдан 14 нафар болага 4-, 71-, 83-мактабларга йўлланма берилган. Муассаса мудири Шаҳодат Қурбонованинг айтишича уларнинг 7 нафари олти ёшлилардир. 83-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба Миликовадан айнан олти ёшли болаларнинг дарс ўзлаштириш даражаси хусусида сўзлади.

— Бу йил биринчи синфни тамомлаган 30 нафар ўқувчиларнинг 10 нафари уйдан, 20 нафари 38-, 39-, 55-МТМлардан келишди. Улардан 14 нафари олти ёшлилар. Айнан 55-МТМдан келган 11 нафар бола билан ишлаш бирмунча осон кечди. Мисол учун, уларнинг 5 нафари бир йил олдин ўқишни бошлаган бўлса-да, етти ёшлилардан ортда қоладиган жиҳатлари йўқ. Фақат диққатни жамлаб олмаслик, ўқув йили охирида умумий чарчоқ, жисмоний машқлар жараёнида зўриқиб ҳаракат қилиш каби ҳолатлар учради. Лекин вазифаларни бажаришда ўзларидан катталардан кўра масъулятироқ.

Олти ёшли боланинг тайёргарлиги

Бир йил олдин мактабга боришининг ҳам ўзига хос ижод ва салбий жиҳатлари бор. Шундай экан, олти ёшли боланинг мактаб таълимига тайёргарлиги қайси асосларга кўра белгиланади? Бу ҳақда Рес-

публика ташхис маркази мутахассиси Сайёра Олимхўжаева қуйидаги маълумотларни берди:

— Биринчи навбатда олти ёшли болалар тиббий ва психологик-педагогик кўрикдан ўтказилади. Уларнинг тиббий кўриги ҳар йили 1 февралдан 30 апрелгача туман, шаҳар ХТМФМТТЭБ ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида тиббий муассасаларда ишлаб турган мутахассислар (педиатр, невропатолог, болалар жарроҳи, ортопед, офтальмолог, стоматолог, эндокардиолог, логопед ва психоневролог)дан тузилган махсус комиссия томонидан ўтказилади.

ларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари асосида, ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, уларнинг мактабга умуметуклик даражасини аниқлаш учун тузилган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг индивидуал-психологик хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлса, ушбу ёшда боланинг асосий фаолият тури ўйин ҳисобланади. Шу сабабли психологик-педагогик ташхис жараёнида болани имтиҳон қилиш эмас, балки белгиланган топшириқларни эркин бажариши учун қўрсатмаларни ҳам ўйин тарзида бериш лозим. Бу эса боланинг янги ижтимоий муҳитга мослашуви ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларининг мавжудлиги, маънавий-руҳий салоҳият, шунингдек, ақлий имкониятларнинг таълим талабларига мутаносиблиги билан изоҳланади. Хўш, мавзу юзасидан мутахассисларнинг фикри қандай?

Талъат Фафорова,
Қарши давлат университети
«Бошланғич таълим» кафедраси доценти:

— Тажрибамдан келиб чиқиб, болаларни 6 ёшдан бошлаб мактабга қабул қилишни маъқуллайман. Чунки бу ёшда болалар фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Халқаро тажрибада ҳам кўплаб дунё мамлакатларида болалар 6 ёшдан мактабга қабул қилинади. Тарихга назар соладиган бўлсак, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино каби болаларимиз кичик ёшларидек кўп ишларни урдалашган. Ушбу мисоллар ва шахсий кузатишларимга асосан ҳатто 5 ёшли болалар ҳам мактаб таълимига тайёр бўлади, дея оламан. Яқинда вилоят телевидениесидаги «Болалар соати» кўрсатувчи бошловчиси Фарангиз исми кизни кузатдим. Фикрининг тиниклиги, вазиятни катталардек баҳолаши, ўқиш ва ёзиш малакаси мени ҳайратга солди. Ёд олган шевралари сони ўттиздан ортди. Математикадан 100гача тўғри ва тескари санашни билади, мисолларни бемалол ечади. Асосийси, у 5 ёшда экан. Бундай иқтидорли болалар юртимизда кўплаб топилади. Улар билан тизимли ва изчил ишлаш келгусида Ватанимиз интеллектуал салоҳияти тараққиётига ижодий таъсир кўрсатади.

Бугун ривожланган мамлакатларда биринчи синф ўқувчисининг мактабга адаптация жараёни педагогик жамоани ўйлантирадиган асосий муаммо саналиши бежиз эмас.

Чунки ҳар бир боланинг индивидуал-шахсий қўрсаткичлари турлича бўлиши табиий. Шунга кўра боланинг ҳар томонлама ривожланиш, мажбурий юктамаларсиз мактабда ўқиш бошлаши учун ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари, бошланғич синф ўқитувчилари дахлдорликни чўқур қиш қилишлари лозим. Шундангина жажжи ўғил-қизларимизда қуртак ёзмақчи бўлган иқтидор илҳомланади, ўқишга бўлган табиий қизиқиш уйғонади.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

O'zbekiston — umumiy uyimiz

Мамлакатимизда 9700дан зиёд умумтаълим мактаби бўлиб, шундан 280тасида қорақалпоқ тилида, 799тасида рус, 472тасида қозок, 268тасида тожик, 61тасида қирғиз ва 46тасида туркман тилида таълим олиб борилади. Қолаверса, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ҳам қардош тилларга ихтисослаштирилган синфларнинг ташкил этилгани юртимизда истиқомат қилаётган кам сонли миллат вакиллари қаратилган юксак эътиборнинг ифодасидир.

Етти тилдаги дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари нашр этилиб, мактабларга етказиб берилаётгани, шунингдек, муассасаларнинг за-

монавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари билан таъминлангани, ўқитувчи-мураббийларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаётгани — қисқаси, таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этиш учун барча зарур шароитлар яратилгани халқаро миқёсда ибратли тажриба сифатида эътироф этилаётган.

Дарҳақиқат, серкуёш Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир оға-инидек елкадош бўлиб яшайдилар, Конституциямизда ҳам ҳар бир миллатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлаб қўйилган. Комусимизнинг 4-моддасида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи

барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоди тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзuida халқаро конференция иштирокчилари ҳам Ўзбекистонда мактаб таълими мамлакатда яшайтган миллатлар эътибдини инобатга олган ҳолда етти тилда олиб борилиши тажрибасини алоҳида эътироф этиб, бунини чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлади.

БИЗ ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ўз бағрида турли миллат вакилларининг тенг ҳуқуқли бўлиб, эмин-эркин яшашини таъминлаган мамлакат чинакамига кучли давлатдир. Тугилиб ўсган Ватанимизнинг мукаммаллиги биз — қозок миллатига мансуб фуқароларнинг ҳам мақсад ва орзуларимизда ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» асосида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилганда, биринчилардан бўлиб, Сирдарё туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўрнида ҳам 210 ўринли янги бино қад ростлади. Мактаб жиҳозлари тўлиқ янгиланди, хусусан, физика, кимё, биология фанлари хоналари замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 15та замонавий русумдаги компьютерга эга информатика хонаси ўқувчиларимиз ихтиёрига топширилди.

Бугунги кунда мактабимизда 15 нафар муаллим 117 нафар ўқувчи таълим-тарбия бермоқда. Муассасамиз қозок тилидаги дарсликлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, ўқувчиларимиз ўз она тилларида илим у маърифат ўрганишмоқда.

Яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар фарзандларимизнинг турли тадбирларда фаол иштирок этишларида туртки бўлаётган. 7-синф ўқувчилари Ерлан Сейтханов ва Алсайт Курбонов ўзбек жанг санъати бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди. 9-синф ўқувчиси Асилбек Абдукаримов республика фан олимпиадаларининг вилоят босқичида қозок тили ва адабиёти фанидан 4-ўринини эгаллади. «Камолот»чи ёшларимиз «Ёшлар овози» тадбирининг туман босқичида 2-ўринини кўлга киритишди. Мактабимизда нафис санъат тури — бадий гимнастика тўғрисида ҳам фаолият юритмоқда. Тўғаракнинг 2 нафар иштирокчиси туман биринчилигида ғолиб бўлди.

Шунингдек, мактабимизда ўқувчиларнинг билим самарадорлигига муносиб ҳиссасини қўшаётган Гулжаҳон Туймабоева, Олтинбек Тўрақулов, Улбери Ресембетова, Сафар Мирзабеков, Дилфуза Абдукаримова, Лола Замонова каби малакали педагогларимизнинг ойлук маошига қўшимча устама ҳақлари белгиланган бўлиб, улар мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади.

Тинч ва осойишта бу заминда хотиржам эмин-эркин умргузаронлик қилиб, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фаолият олиб бораётганимиздан беҳад фахрланамиз.

Қолдигул ҚАРТАНБАЕВА,
Сирдарё туманидаги 4-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Мамунали шароит, тарбиячи-педагог ва психологларнинг билими, малакаси, тажрибаси мактабга таълим муассасаси боланинг сеvimли масканига айланишига замин яратади.

Сергели туманидаги 292-мактабга таълим барқасида болаларнинг барқасида униб-ўсиши учун барча шароитлар яратилган. Унда ободонлаштириш бўйича олиб борилган ишлар болаларнинг ёзни саз ўтказишлари учун

БОҒЧА ТУГАРАГИДАГИ БОЛАЛАР

замин яратмоқда.

— Тарбияланувчиларнинг мукамал таълим-тарбия олиб, мазмунли ҳордик чиқариши боғча жамоасининг доимий эътиборида, — дейди тарбиячи Гулсара Файзиева. — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилган «Мактабга таълим му-

ассасаси имиж» кўрик-танловиди «МТМ реклама фаолияти, жамиятдаги нуфузи» номинацияси бўйича иштирок этиб фахрли 3-ўринни олди. Муассасамиздаги 360 нафар тарбияланувчиларнинг барчаси бадий гимнастика, таэквондо, рақс, хорижий тиллар тўғралаклариди фаол иштирок этмоқда.

Фарзандларининг боғчада шунчаки вақт ўтказмасдан тўғаракларда спорт ва санъат, фан сирларини ўзлаштираётгани ота-оналар томонидан эътироф этилмоқда. Бундай эътирофга жамоа аҳилилик ва жипслик, меҳнатсеварлик орқали эришмоқда.

Наргиза, ШИРИНОВА



Сурхон воҳасида қадимдан ўзбек, тожик, туркман, рус ва бошқа миллат вакиллари аҳил, иноқ, қудда-анда, қариндош бўлиб яшаб келади. Барча бир ёқадан бош чиқариб, жонажон мамлакатимизнинг ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Вилоятда 81га яқин умумий ўрта таълим мактабиди таълим тожик ва рус тилида олиб борилади. Ўшбу умумтаълим муассасаларида ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Ўқув биналари, спорт заллари, ахборот-ресурс марказлари миллий дастур асосида янги қурилган, реконструкция қилинган ва замонавий қиёфа касб этган. Компьютер техникаси, кимё, биология, физика хоналари ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Барча синфхоналарга ижара тизими асосида дарсликлар, услубий қўлланмалар, методик адабиётлар етказиб берилади. Вилоятимизда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-синф ўқувчилари 11 нондаги 8799 нуска дарслик, тожик тилида таълим олаётган 2301 нафар ўғил-қизга эса 24823 нуска дарслик бепул тақдим этилди.

Биргина Бойсун туманидаги 9та умумтаълим мактабиди тожик фарзандлари она тилларида тахсил олишади. Ана шундай масканлардан бири Бибиширин маҳалласида жойлашган. Икки қаватли замонавий ўқув биноси 2009 йили «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» асосида 177 млн. сўмга тўлиқ таъмирланди. Иккита компьютер синфи ташкил этилди.

— Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан 16 минг 800 АҚШ долларига бошланғич синфлар учун парта, стол-стул, мебеллар

жамланмаси, ўқув жиҳозлари кеттирилди. Осиё Тараққиёт банкидан 2 марта 5000 доллардан грант ютди. Натижада, мусиқа асбоблари жамланмаси ва телевизорга эга бўлди, — деди мактаб директори Абдурахим Тўрақулов. — Ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ, 50 сотихли тажриба ер майдонимизга картошка, помидор, қўкат эдик. 4 сотих узумзоримиз бор. Улардан йилига 800 минг сўм даромад олапмиз. 5 тонна металл чиқиндилари топшириб, ҳисоб рақамимизга 900 минг сўм туширдик. Бюджетдан ташқари тошган маблағларимизга бадий адабиётлар харид қилдик. Кам таъминланган оила фарзандлари, илгор муаллимлар, аълочи ўқувчиларимизни рағбатлантириб боришни йўлга қўйдик.

Табиики, қаерда яхши шароит ва муносиб эътибор бўлса, ўша ерда муваффақиятларнинг салмоғи ҳам юқори бўлади. «Умид ниҳоллари — 2012» республика спорт мусобақасида иштирок этган волейбол жамоаси азоси 9-синф ўқувчиси Шерзод Расулов тўжқинлиб шундай дейди: «Биз ёшларнинг она тилимизда таълим-тарбия олишимиз, турли мусобақаларда қатнашимизни учун жонажон Ватанимизда барча шароитлар яратилган. Навоийда ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасидан олам-олам таассуротлар билан қайтдим. Дўстлар орттирдим. Ҳозирги кунда битириш имтиҳонларини топширапман. Насиб

этса, Бойсун ўрмончилик касбхона коллежида ўқиниш давом эттириб, «Барқамол авлод» спорт беллашувларида ҳам иштирок этмоқчиман».

— 4 нафар фарзандим мактабда ўз она тилида ўқиди, — дейди ота-оналардан бири Самия Раҳмонова. — Болаларимизнинг таълим-тарбия олиши, касбхона ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Муаллимларнинг тажриба, билими ҳам юқори. Қизим Рухона Раҳмонова тиббиёт коллежини тугатиб, ўз соҳаси бўйича ишлаяпти. Ўғлим Нусрат эса туманимиздаги санъат коллежининг 3-курсиди ўқимокда.

Фарзандларимизнинг бадий асарлар, газета-журналлар мутолаа қилиши учун мактаб ахборот-ресурс марказида имкониятлар етарли. Биз ота-оналар ҳам у ерга бориб тураемиз, «Овози тожик», «Булбулча» газеталарини ўқиймиз. Туманимизнинг «Бойсун овози» газетасининг бир сарҳифаси тожик тилида чоп этилади. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлоний асарлари биз учун бирдай сеvimли.

Хуллас, юртимизнинг бошқа худудлари каби Сурхондарё вилоятида ҳам барча миллат вакилларининг таълим-тарбия олиши учун зарур имкониятлар яратилган.

Н.ТўРАЕВ

Сурхондарё вилояти

ТАЪТИЛ БОШЛАНДИ

Самарқанд вилоятида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътил мавсумини мазмунли ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди.

Болаларнинг соғломлаштириш ва мароқли дам олиши учун шаҳардан ташқарида битта доимий оромгоҳ ҳамда худудларда жойлашган 8та мактаб қошидаги оромгоҳлар ташкил этилди. «Алпомиш» оромгоҳида 2950 нафар, мактаб оромгоҳларида эса 2300 нафар болажоннинг мавсумини мазмунли ўтказиши ва соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

Шаҳардаги кундузги оромгоҳлар ташкил этилган 9, 16, 24, 31, 51, 64, 65, 11-умумтаълим мактабларида яқин худудларда жойлашган мактаб ўқувчилари жалб қилинади. Мазкур оромгоҳларда тарбиявий ишларни ташкилотчи, етакчи ва тажрибали педагоглар олиб боришади.

«Yoz—2012»

— Оромгоҳлардаги машғуллотлар «Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий ва маърифий тарбия концепцияси» асосида ташкил этилади, — дейди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими шўъба раҳбари М.Раҳимбердиева. — Ҳар бир оромгоҳда маънавият хоналари очилди, янги бадий адабиётлар билан таъминланди.

Оромгоҳлар шу кеча-кундузда илк дам олувчиларини қарши олди.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Сохибқирон Амир Темури ўз даврининг энг юксак ва дунёга донгига кетган иншооти, Шахрисабзда қад ростилаган Оксаройнинг қосинок пештокига «Кимки қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга боксин» деган сўзларни биттирган. Бу хитобнома замирида мамлакат қуч-қудратининг юксаклиги, халқнинг бирлиги ва иншоотнинг нодир меъморчилик намунаси эканига қосил ишонч мукассам. Ҳа, боболаримиз бунёдкорлиги билан ном қозонган, улар барпо этган обидалар ноёб меъморий ечими ва дизайни, улугворлиги билан жаҳонни ҳайратга солган.

Юртимизда меъморчилик истиқлол шарофати билан янги мазмун ва қиёфа касб этмоқда. Буюк аждодларга муносиб авлодлар бунёдкорлик жаҳасида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирипти. Бу эзгу ишларда ёшлар ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.

Асрлар оша яшаб келаётган бой тарихий мерос ва маданиятни қайта тиклаш, миллий қадриятларимизни ўзига жо этган архитектуруни ривож-

га назар ташламай иложимиз йўқ. Манбаларда XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкентда 200га яқин маҳалла бўлгани қайд этилади. Маҳаллаларда хонадонлар кўпайиши билан кўчалар тобора торайиб, бир қанча тор ва боши берк кўчалар пайдо бўлган. Аҳоли тураржойларини ўзининг турмуш тарзига мослаштириб қурган. Вақтини кўпроқ очик ҳавода

Kelajak ovozi

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ

ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда

лантириш, бу соҳага қизиқади-ган ёшларни қўллаб топиш, иқтидорини рўёбга чиқаришда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ.

Ҳар йили «Келажак овози» кўрик-танловининг «Архитектура ва дизайн» йўналишида ўнлаб салоҳиятли ёшларнинг меъморчиликка оид илғор гоя ва ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Ўтган йили «Келажак овози» кўрик-танловидида шаҳарсозлик ва ландшафт дизайнига доир лойиҳаларим билан иштирок этиб, танлов ғолибига айландим, — деди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаштириш» мутахассислиги магистранти Хулқар Бурхонова. — «Тошкент шаҳрининг қадимдан шаклланиган маҳаллаларини қайта тиклаш муаммолари» мавзусидаги лойиҳам ташкилотчилар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳовли-жойларни бунёд этишнинг миллий қадриятларимизга хос ва замон талабларига мос вариантларини татбиқ этиш лойиҳамнинг бош ғоясидир.

Маҳалла меъморчилиги шаҳар тароватини белгилайди

Халқимиз миллий архитектура ва аънавий шаҳарсозлиги асрлар давомида шаклланиган. Меъморчилигимизда ичкари-ташқари ҳовли, айвонлар ва ёзги хоналар, ҳовуз ва фавворалар ўрнатиш, хоналар ва ҳовлини шомоллатиш йўллари тиклаш қилиш, нақшларни қўллаш устувор ҳисобланади.

Миллий архитектурамизда жаҳоннинг бошқа халқлари меъморчилигига ўхшамайдиган шакл ва мазмун бор. Халқимиз ҳаётининг асосий хусусиятларидан бири бу — жамоа бўлиб яшаш. Оилаларнинг жамоа бўлиб яшаш маҳаллаларини вужудга келтирган. Бу маҳалла меъморчилигига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Тошкент шаҳрининг қадимдан шаклланиган маҳаллалари ҳақида сўз борар экан, ўтмиш-

ўтказишга мослаб лойиҳалаштирилган хоналар кўпчиликка манзур бўлган.

Эски Тошкентнинг турар-жой бинолари ташқи муҳитдан бутунлай изоляция қилинган. Бу уй ҳўжалигини икки қисмга ажратиш шартлиги билан амалга оширилган — ташқи (яъни меҳмон кутадиған) ва ички. Бундай ажратиш турли даражадаги оилалар учун ўзига хослик касб этган.

Ташқари ҳовлилар Эски шаҳарда кенг тарқалган бўлиб, икки қаватли хоналардан ташқи тилган ва ҳовлига кираверишда тикланган. Биринчи қаватда одатда дарвозахона бўлиб, у ердан зина орқали иккинчи қаватга чиқилган. Иккинчи қаватда икки-учта хона бўлиб, улардан бири шинам меҳмонхона бўлган.

Ичкари ҳовлининг асосий функционал режаларий элементи — очик ҳовли бўлиб, айвон билан бирлаштирилган хоналар кетма-кетлиги жойлашган. Ичкари структурасига, шунингдек, иккинчи қаватда жойлашган болохона ҳам қиради. Унда қуруқ мевалар, ўтин ва бошқа ҳўжалик ашёлари сақланган.

Маҳалла меъморчилигида бу аънаваларни татдиқ этиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ижобий жиҳатлари жуда кўп. Таърифланган уйларнинг ичкари ҳовлиси — йил мобайнида барча маиший тadbирлар амалга ошиши учун қулай жой эди. Бу ерда овқат тайёрлаш, дам олиш ва кечаси супаларда ухлаш мумкин. Ичкари ҳовлига ток ва мевали дарахтлар экилиб, ўртасига ҳовуз қурилса, ёз чиласини ўтказиш учун маълум бир микроклим яратилган.

«Келажак овози» келажакимдан акс-садо берди

— «Келажак овози»нинг нафақат моддий, балки маънавий қўмаги ҳаётимда янги уфқларни очди, — деди жиламайиб Хулқар. — Архитекторлар оиласида (отам — Абдуғани Бурхон, бир акам ва икки опам архитектор) улғайдим. Биною иншоотларни рисоладагидек режалаштира олаётганим, шу ҳақда узоқ уйга толардим. Лойиҳаларимнинг истиқболли эканига баъзан шубҳаланган-

ман. Бироқ мен орта чекинмадим, изланишда давом этдим.

Кўрик-танловда эътироф этилишим ўз билимимга бўлган ишонччи мустақамлади, лойиҳаларимнинг истиқболли эканини кўрсатди. Бу ишонч Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси уюштирган «Олтин устун» кўрик-танловида «Энг яхши талаба иши» йўналиши бўйича фахрли I ўринни эгаллашганда, институтда ўтказилган «Баҳорги илм-фан кўнлари» илмий-амалий анжуманида фаол иштирок этишимда, ёш олимлар, стажёр-тадқиқотчи-изла-нувчилар ва иқтидорли талабаларнинг «Қурилиш мажмуасида энергия ва ресурс тежамкорлиги» мавзусидаги илмий ишлар танловида фахрли ўринга муносиб кўрилишимда катта далда бўлди.

Хулқар «Келажак овози»да тақлиф этган лойиҳаларини янада тақомиллаштириб, «Тошкент шаҳрининг қадимдан

шаклланиган маҳаллаларини қайта тиклаш муаммолари» мавзусида магистрлик диссертациясини тайёрлади, ҳозир ҳимоя қилиш арафасида.

Қадриятларни қадрлаган элнинг қадри баланддир

— Истиқлол йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиёт шаҳарсозлик соҳасини, бунёдкорлик ишларини ҳам жадаллаштирди, — деди Хулқарнинг устози, доцент Дилором Исамхамедова.

— Шаҳарсозлик замонавий босқичда ҳудудий тизимларнинг янги масштаблари, режалаштириш ва келажак истиқболларининг янги лойиҳавий муддатлари, шаҳарларни лойиҳалаш ва қуришнинг янги муаммолари билан юзма-юз келди. Бу эса ёш мутахассислар — шаҳарсозлик архитекторларини тайёрлашга янги ёндашуви талаб этади. Ёш маалаки қадрлар Ўзбекистоннинг янги шаҳарсозлик стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш йўлида хизмат қилади. Хулқарнинг тадқиқоти республикамиз шаҳарсозлигининг долзарб масалаларидан бири — аънавий маҳаллаларни реконструкция қилиш ва модернизациялаш, замонавий инфраструктура билан таъминлаш муаммоларига қаратилган. Аънавий ўзбек шаҳарсозлигида шаҳар муҳитининг меъморий қурилиши ва шаҳарсозлик композициясини ривожлантириш, бу асосда асосий тарихий шаклланиган элементларини, ўзига хослигини сақлаб қолди, ривожланаётган шаҳарсозлик композициясига тарихий ансамбллар, архитектура ёдгорликлари, фон қурилмаларини киритишга катта эътибор берилгани ишнинг истиқболли эканини кўрсатади.

Тадқиқотда миллий урф-одат ва қадриятларимизга хос, тарихий меросимиз билан ҳамоханг тураржой муҳитини, кам қаватли ҳовлиларни имкон даражасида сақлаб қолш ва келажак авлодга етказиш ғояси илгари сурилаётгани ҳам кишини қувонтаради. Қадимий аънаваларини унутмаган, аждодлари меросидан ғурурланган халқ ўзлигини унутмайди, жаҳон айвонида бошини баланд тутди.

Дилшод КАРИМОВ

ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марка-зида «Менинг мафтункор ўлкам» мавзусида аънавий фестивал ўтказилди.

Фестиваль давомида марказининг фольклор-доира, вокал, миллий рақс, дутор тўғараклари аъзоларининг концерт дастури намойиш этилган бўлса, тўқиш, либос дизайни, бичиш-тикиш, майда пластика, мунчоқли безак, дурадгорлик тўғараклари ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси ҳам ёшларимиз истеъдодининг ёрқин намунаси бўлди.

— I йилдан буюн тўқувчилик тўғарагига қатнашиб келаман, — дейди ўқувчи Роҳила Тошпўлатова. — Тўғарак раҳбаримиз Наргиза Болтабоева ҳар биримизнинг қизиқишимиз, ўзлаштириш даражамизга қараб вазифа бериб борадилар. Ўзлаштириш қобилияти юқори бўлганларга мураккаброқ вазибалар ва кўпроқ композициялар бериб боради. Мен йил давомида жуда кўп нарса-

лар ўргандим. Бувим учун пайпоқ, дугонамга шарф, қалпоқ, ўзимга кўйлақ, уй учун совға қопчаси тўқидим. Бугунги кўрик учун панда ва кўзичоқ уйинчоғини тўқидим.

Шунингдек, «Қувноқлар беллашуви» майдончасида тўғарак аъзолари спортда куч синашишди. «Саховатли она замин болалар нигоҳида» экологик майдончасида эса ўқувчи-ёшлар атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш мавзусига бағишланган расмлар танловида иштирок этишди.

Тадбир сўнггида барча ғолиблар ва тадбирнинг фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилором ФАЙЗИЕВА




Шу кунларда республикамиз умумтаълим мактабларида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, қизлар таълим-тарбиясига эътибор ва уларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мавзусига бағишланган ота-оналар мажлислари ўтказилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 326-ихтисослаштирилган ва 219-умумтаълим мактабларида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган фуқаролар йиғинлари раислари, тиббиёт ходимлари ва бошқа масъул идоралар вакиллари ўғил-қизларни иқтидори ва қобилиятига қараб касб-ҳунарга йўналтириш долзарб масала экани, эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари хусусида ота-оналарга батафсил маълумотлар бердилар.

— Мамлакатимизда ёшлар камоли учун яратиб берилган кенг имкониятлар ҳақида ўқувчи-ёшларга, ота-оналарга батафсил маълумот берилди, — дейди 326-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Н.Раҳимхўжаев. — Ёшларимизнинг бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, жамиятимиз ривожига ҳисса қўшадиган касб-ҳунар эгалари бўлиб етишишлари учун ота-оналар ва устозлар ҳамкорлиқда ҳаракат қилишимиз лозим. Бугунги тадбир ана шу мақсадларга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Суратларда: тадбирлардан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Рақобат кескин тус олаётган бундай шароитда нима қилмоқ керак? Президентиимиз маърузасида бу саволга ҳам аниқ-равшан жавоб берди: **"Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин".**

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда қайси мамлакат ёшларининг билими, маънавияти паст бўлса, бу юрт тараққиётдан четда қолади. Чунки у ўзини ислох этиб, янгилай олмайди. Орта қолганларга эса тараққиёт медаларининг бошқалардан ортигани тегади. Қайси давлатнинг ёшлари юксак маънавият-ли, билимли ва интеллектуал етуқ бўлса, унинг халқи, фуқаролари бахтиёр бўлади.

Конференция ахли ана шу мақсад йўлида тараққиётнинг "ўзбек модели" таркибий қисми сифатида амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон таълим тизими ислохотларининг муҳим натижалари билан танишди. Жумладан:

- Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва bepул;
- коллежларни битираётган ҳар бир йигит-қиз 2-3 касб-ҳунарни эғллаб чиқмоқда;

- улар, хоҳласа, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттира олади;
- юртимизда 9700дан зиёд мактаб бор ёки уларнинг қарийб ҳаммаси янгидан қурилди ёки капитал реконструкция қилиниб, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди;
- мактаб таълими 7 тилда олиб борилмоқда;
- мустақиллик йилларида мамлакатимизда 1500дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди; олий ўқув юртлари сони икки баробар ортиди;

- Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртлари филиаллари муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. 2012 йили Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-таъриба маркази очилмади;

- ўтган йилларда 1500та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланши мумкин бўлган болалар спорт объектлари барпо этилди;
- уч босқичдан иборат узлуксиз спорт мусобақалари тизими шакллантирилди;

- ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди;

- таълимга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этмоқда. Бу тизимнинг бюджет харажатларидаги улуши 35 фоиздан ошмоқда;

- 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда;

- таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ўтган даврда 720 миллион доллардан ошди;

- қадимий Ўзбекистон замини фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизация-

таъминлар законмиз, фақат миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳаммаша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз".

Бугунги замоннинг шиддати тез. Қимми замон билан ҳамқадам бормокчи бўлса, эртаю кеч ишлаши, интиқили, ҳаракат қилиши даркор. Таълимга бағишланган халқаро конференциянинг 2012 йилда айнан Тошкентда ўтгани, дунёдан 48 давлат вакиллари ке-

Ҳақиқатан ҳам, Афғонистон ҳақида гапирувчилар кўп, лекин унинг дардига мал-ҳам қўядиган қўллар кам.

"Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир. Президент Ислоҳ Қаримовнинг кўрсатилган доимий эътибори ва ташаббуси бу муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омил бўлмоқда", деди Харуҳико Курода.

Жаноб Курода яхши бир янгликни айтди: энди қуёш Ўзбекистондан туриб ўрганиладиган бўлди, Тошкентда Қуёш энергияси бўйича халқаро илмий-тадқиқот институти очилди. "Кеча, — деди у, — Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳуку-

экан. Шогирд ана шунча термин-билимларни ўрганиб, билиб, кўриб, ишла-тиб, кейин ўзи ҳам устоз мартабасига кўтарилган. Шунинг учун ҳам бизда миллий меъморчилик те-ран илм ва санъат даражасига кўтарилган. Бу анъана қайта тикланди, давом этмоқда.

Президентимизнинг "XXI аср — рақобат асри" деган ибораси мазмунини жаноб Курода мантиқан давом эттирди: "Таълим — имкони-ятлар тенглигини таъминлайдиган буюк мезон", деди маърузачи. "У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликнинг қўйилиши ва ютуқлар қўлай-лигининг муҳим омил вазифасини ўтайди".

Бирлашган Миллатлар

ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ — БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

матери ўртасида маъмур ин-ститути ҳамкорликда таш-кил этиш тўғрисидаги ҳуж-жат имзоланди".

Оққан дарё анада тўлиб оқа бошлади. Қуёшни ўрга-ниш, уни қандай "ишла-тиш" бўйича жаҳон ахлига тавсиялар Тошкентда иш-лаб чиқилади. Осмон жимиларини ўрганиш биз учун боболаримиздан ме-рос — осмонга йўлни биз-га улуг бобомиз Мирзо Улугбек қўриб берган.

Бугун давлатимиз ўта қисқа муддатда барча со-ҳаларда мислсиз натижа-ларга эришмоқда. Бошқа-лардан бундан ҳайратда. Биз учун бу бамисоли оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Ўйлаб қарасак, бугунги кун-да юксак ривожланган дав-латлар фуқаролари (англиялик, германиялик, япониялик, корейлик, францияликлар) бошқа-ларни ҳайрон қилган ютуқ-ларга ҳайрон эмас. Чунки улар учун бу — оддий ҳол.

Юксак даража ҳали шу даражада етмаганлар учун ҳайратли, гайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Демак, биз эришган нати-жалар бошқалар учун ҳай-ратли, биз учун оддий. Ма-салан, бизни қайси мам-лакатнинг қадимий меъмо-рий обидалари ҳайратга солиши мумкин? Бундай давлатлар, чиқса, беш-ол-тига чиқар. Лекин бизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива-мизнинг номини эшитибок ҳоржиликлар ҳайратга ту-шади. Биз учун эса бу ода-тий ҳол.

Дарвоқе, конференция иштирокчилари Самар-қанд, Бухоро, Хивада бўлиб, бизнинг ҳозирги эришган ютуқларимиз чуқур тарихий асосга эга эканига ишонч ҳосил қи-лдир. Бир китобда ёзи-лишича, бунёдкор бобола-рини қисқа муддатларда, юксак сифат билан барпо этгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдири-ди.

Ташкилоти Бош қотиби-нинг ўринбосари Нойлин Хейзер сўзининг бошида улуг бобомиз Алишер Навоий руҳига ҳурмат бажо келтирди. Ўзбекистонда ушбу халқаро конференци-яни ўтказиш учун муносиб жойлар кўп, бироқ айнан Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутуб-хонаси ҳаммасидан муно-сиб бўлибди, деди у.

Хейзер конференция иштирокчиларига БМТ Бош қотибининг "Инсонлар — ҳар қандай миллатнинг энг катта бойлиғидир, ле-кин бу бойлик сифатли таъ-лимга асосланмоғи ло-зим", деган фикрини эс-латди. Ҳақ гап. Агар инсон, оила, жамият билимсиз бўлса, бойликка эмас, му-аммага айланади. Бунинг учун у қомилликка интили-ши, давлатлар эса унга му-носиб шарт-шароит яра-тиб бериши керак.

Комил инсон гоёси мил-лий мафкураимизнинг асо-сий қояларидан бири. У ёшларимизнинг интеллек-туал салоҳиятини ватан равнақи, халқ фаровонли-гига йўналтирувчи гоёявий пойдевор вазифасини ба-жармоқда. Улар Ўзбекис-тон номи билан спорт, ин-теллектуал, технология, ижод майдонларига ки-риб, голиб бўлмоқдалар. Демак, "Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгил-мас куч» асарига айтилган «Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикр-лаш қобилиятига эга бўлган, онгли ашайдиган қомил инсонлар этиб во-яга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асо-сий мақсади ва вазифа-си бўлиши лозим» деган азму шижоат қайси мам-лакатда устувор бўлса, улар ҳам биз эришган марраларга эришиши му-мкин. Чунки ҳар бир мам-лакатда барқарор тараққиёт ва модернизация амал-га оширувчилар — аждод-

ларига қараганда кучли, билимли ва доно янги ав-лоддир.

Конференция таълим-тарбия тўғрисида шу пайт-гача шаклланган фикрлар-га ўзгартиш киритди. Яъни, "Бог" таълим-тарбия олма, яхши, "Эдоби" х, муомала бўлади. Бола ўқиса яхши-да, ўзига яхши", деган фикрлар ҳам-ҳунардир. Конфе-ренция иштирокчилари бу-гун таълим-тарбия — мам-лакатни модернизация қилиш ва барқарор ривож-лантиришнинг, дунёни ўзгартиришнинг энг муҳим шарт, деган қатъий ҳуло-сага келишди.

Жумладан Хейзер: Таъ-лим кўп жиҳатдан тараққи-ётдаги инсоннинг тўлдири-диган маърифий ўзақдир. Ёшлиқда олинган пухта би-

лим бутун умр давомида керак бўлиш билан бирга, кейинги авлодларнинг ри-вожида ҳам муҳим роль ўйнайди. Таълим соҳасида қўлга киритилаётган ютуқ-лар оналар ва болалар ўртасида ўлимнинг қамай-ишига, овқатланиш сифа-тини яхшилашга, иммунитет тақчиллиги вирусини бар-қараф этишга, қашшоқлик даражасининг пасайишига олиб келади, аёллар ҳамда ёшларда ўзига нисбатан ишонч ва қатъий туйғуси-ни ўйотади.

Аммо таълим бундан ҳам муҳим масалаларни ҳал этади. У чексиз имконият-лар эшигини очди, одам-нинг фикрлаш тарзини ўзгартиришга, ёшлиқдаги орзуларни амалга оши-ришга, ҳозирги мавжуд вазият билан биз интилиб яшаётган келажақ ўртаси-даги бўшлиқни тўлдириш-га ёрдам беради.

Мен Ўзбекистондаги таъ-лим ва фуқаролик тасав-вурлари ўртасидаги узвий боглиқлигини кўриб, гоёт ҳайратга тушдим. Умумий бағрикенгликка асосланган қадриятлар ва мулоқотга киришишга тайёрлик, ҳуш-фёзлик таълимнинг бар-қарор ривожланиш йўли-даги ўзак тамойилидир.

Янада барқарор бўлган келгуси ҳаёт сари бориш жараёни-иқтисодиётнинг тизимлаштирилган йўлини ўзгартиради. Айрим касб-хунарлар барҳам топади, лекин инновацион техноло-гиялар ёрдамида қўллаб-янгил касб-хунарлар пайдо бўлади, бу эса янги сано-ат тармоқларининг юзага келишига олиб келади. Бизнинг асосий вазифа-миз бугунги ва эртанги иқтисодий тўлқинларда етакчи мавқега кўтарилиш мақсадида аввало ўзимиз-нинг иқтисодий-билимла-римизни, Осиё қитъасида истикомат қилаётган аҳолининг янги қараш ва ёндашувларини шакллантириш учун умумий таъ-

лим-тарбия ҳамда касб-хунар таълимини бир маҳ-ража бирлаштиришдан иборатдир, деди мамну-ият билан.

Хейзер биздаги таълим ва тарбия бирлигини ҳай-ратга тушганини яширма-ди. Халқимизда, ёшлари-мизда ўз кўзлари билан кўрган маънавият ҳақида ҳайрат билан гапирди. Сўзини яна Алишер Навоийнинг "Оз-оз ўрганиб, доно бўлур, Катра-қатра й-ғилиб, дарё бўлур", деган сатрлари билан якунлади.

Конференция ахлида бир ҳулоса етилди: Ўзе-бекистоннинг бугунги ютуқ-лари унинг буюк аждодлари-га қизиқтириш қўйишга, ҳадис илмининг султонини ҳисобланмиш термизлик аллома, буюк мухтадир ва

маданий мерос ва таълим соҳасидаги тараққиётни бу-гун дунёдаги ривожланаёт-ган давлатлар учун маёқ бўла олишини эътироф оларимизми? Биз улар-нинг ўз миллий мадания-тига эмас, бегона мадания-тларга интилувчи "компрадор"ларга (порт. contrador — сотувчи, эк-спедитор) айланаётгани-дан хавотирдамиз".

Украиналик олим А.А.Безносковнинг қи-шида ҳам ёшлар маънавий тарбиясида безоватлик бор эди. У таълим, авва-ло, шахснинг маънавий ўзагини шакллантириш лозим, зеро, бу ўзак ҳар бир одамдаги "дунёнинг шахсий картинаси"ни бел-гиловчи мезон бўлиб ҳисобланади, деган илмий

Жозе Рибейра де Ка-стро — Португалия ас-самблеяси таълим, фан ва маданият қўмитаси раиси: "Таълим олиш

маънавий илдишларнинг бемаънашлиб кетиши, маънавий-ахлоқий тарбия дастурининг йўқлиги ёшларимизда руҳий муво-затнинг издан қишиги, мотивлар иерархиясининг, мустақил фикрлашнинг, ҳулқ-атворнинг бузилиши каби руҳий ва психосома-тик касалликларни пайдо қилди", деди афсусланиб.

И.П.Роговская компе-тентли ёндашув дунёда касбий таълимнинг кон-цептуал асосига айланоёт-ганини, Европа Иттифоқи-нинг ҳужжатларида "били-м, қўнма ва муноса-батларнинг йиғиндиси" дея ифодаланаётганини маълум қилди. Европа Ит-тифоқи экспертлари бу ту-шунчани она тилида муло-қот қила олиш; чет тиллар-да ўқилаш олиш; матема-тик компетентлиқ, ин-формацион компетентли-ке, мустақил билим олиш компетентлиги, шахсла-ро, маданиятлараро му-лоқотларда ва ижтимоий компетентлиқ, фуқаро-вий, тадбиркорлик ва ма-даний компетентлиқлар-га бўлиб таққин қилиша-ётганини айтди. Педагог олимпиа Ўзбекистонда компе-тентлик масаласига ало-ҳида эътибор қаратилаёт-гани, бизни бу борада энг ривожланган давлатлар билан ҳамқадам деб били-шини эътироф этди.

Хулоса: "Ўзбекистон таълим тарбия олиш жараёнида, авваламбор, миллий тар-бия, миллий тарих, мента-литет, анъаналар, урф-одатлар катта аҳамият касб этади. ...Энг эътибор-ли жиҳати, ўзбек ёшлари-нинг миллий урф-одатлар-га, миллий қадриятларга ҳурмат-эътиром руҳида тарбия олаётганидир".

Маърузаларда ҳозирги мураккаб ва тахликали даврда ўз мамлакатининг ёшлари келажақ учун та-швиш сезилиб турди. М.И. Вишневский (Могилов):

эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фу-қаролар жамиятнинг энг муҳим капитали, уни ҳара-катта келтирувчи қўлға айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интел-лектуал билимлар асрида ин-сон капиталига инвестици-ялар йўналтириши усту-вор вазифа сифатида тан-лашган мамлакатларгина юксак тараққиётга эриши-ши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамия-ятгина замонавий тахдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

Ҳар бир давлат ўз мам-лакатининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобалла-шув даврида билимлик мамлакатни иқтисодий ри-вожлантириш ва унинг миллий бойлигини қўлай-тиришининг муҳим тарки-бий қисмига айланоқда. Аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларга ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий дав-латда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакл-лантириш, ўз ҳуқуқ ва эр-кинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатла-ри йўлида фойдаланиш имконини беради.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистон-нинг таълим тизимини ри-вожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўй-ча тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда 17та тавсияни қабул қилдилар.

Хурматли ўқувчи. Шу ўринда сиз ҳам "Ўзбеки-стон мустақилликка эри-шиш остонасида" кито-бида таълим ҳақида Президентиимизнинг 1990 йил 20 январь кунини айтган фикрларини эслаган бўлсан-гиз керак. Биз учун ода-тий, бироқ 48 давлат ва-килларининг эътиромига сазовор бўлган бугунги на-тижалар мустақиллик ара-фасидаги изтиробли дам-лар, курашлар натижаси, деган бўлсангиз керак.

Президентиимиз шўро-ларнинг қатоган болтаси халқимиз бошида ҳавф со-либ турган ўша тахликали кунларда, аввало, раҳбар кадрлар, зиёлилари, жа-моатчиликни гафлатдан уйғонтишга даъват қилди. Шўроларнинг Ўзбекистон ёшлари таълим-тарбияси-га "қолдиқ" принципи асо-сида ёндашувини танқид қилиб, "Бу принцип ҳар бир халқ учун энг қим-мат нарсасга — келажа-ка болта уради", дея таъ-кидлади.

Бугун 2012 йилга келиб, дунёдаги 48 давлат, жум-ладан, тараққий топган мамлакатларнинг 270 на-фар вакили Ўзбекистон-нинг таълим-тарбия соҳа-сидаги тажрибасини чуқур ўрганиб, яна бир бор юкс-са баҳоладилар. Бу — 1990 йилнинг 20 январда Тош-кент шаҳар фаоллари йи-ғилишида баён қилинган қатъий позициянинг бугун-ги кундаги амалий натижа-си эмасми?!

Мухаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари
доктори

Тарихдан маълумки, кўп кашфиётлар ёшликда қилинади, тенги йўқ асарлар ҳам кўпинча шу даврда яратилади. Ёшликнинг кучи ва қудрати кўп нарсага қодир, шунинг учун талаба ўз касбини севса, етарли даражада билим олса, жон-дилдан ўрганиб борадими, ундан яхши мутахассис чиқади. Шундай кадрлар юртимиз ва мамлакатимиз истиқболи фидойилари бўлиб етишади.

Талабага муайян билим бериш деганимизда, аудиторияда ўз фанини чуқур биладиган тажрибали, илмий даража ва унвонли ўқитувчининг ўқитишининг аниқ шакллари ва аниқ ўқув материалларидан фойдаланган ҳолда мунтазам билим бериши кўзда тутилади. Қолаверса, ўқитувчи талабалар билан биргаликда тажрибалар ўтказиши ва амалий машғулотларни жонли тарзда олиб бориши лозим. Ўтиладиган фанининг номи ва дарс мавзусидан келиб чиқиб амалий машғулотларга иккунчи ёндашиш бўлажак мутахассиснинг маҳоратини юксалтира боради. Масалан, ўсимликнинг униб чиқишини талаба ўз кўзи билан кўргандагина ёки ўз қўли билан бирон ўсимликнинг уруғини экиб кўқартиргандагина, унда ҳеч қачон унутилмайдиган тасаввур пайдо бўлади. Шунингдек, бирор асарни талаба ўзи танлаб таржима қилса асарнинг қадрига етати, унинг ҳаётий тажрибаси ошади.

амалиёт даврида билим бера олишига ўзи ишонсагина ундан келажақда яхши ўқитувчи чиқади. Амалиёт даврида мактабдаги ўқувчи билан талабанинг ўртасида дўстлик бошланмаса, танлаган касби уни келажақда ўқувчи ва мактабдан узоқлаштиради.

Сирасини айтганда, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги талабанинг руҳиятини белгилаб беради. Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги талабага иқтисодий, ижтимоий ҳамкорлигини ҳам ўргатади. У олиё таълим муассасасига иқтисодий даромадлар олиб келиши, ташкил қилинган кичик цех, бўлим, ер майдони, тикши цехи, тил ўргатиш курсида фаолият кўрсатиши билан бир қаторда ўзи ҳам маълум маблағга эга бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, факультет қошидаги ишлаб чиқариш тармоғидан олиё таълим тизимига қўшимча даромад келади.

Қолаверса, талаба ўқинида бўш вақтлари ўзининг олган билимларини мустаҳкамлайди, иккинчидан ўрганаёт-

Fikr



ҲАМКОРЛИКНИНГ УФҚИ КЕНТ

Олий таълим тизимидаги ҳар бир факультетда талабарнинг келажақда ўз танлаган мутахассислигини қанчалик даражада эгаллаганини аниқлайдиган ёки белгилайдиган махсус фанлар мавжуд. Масалан, бўлажак педагоглар ўзи ўқитадиган фанини севиши ва билиши билан бир қаторда, албатта, дарс бериш методикасини, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усулларини билиши, ўзи билан ўқувчи орасида доимо боғланишни ҳис қилиши, ўқувчини ўзи билан тенг кўра олиши ва фақат назарий билимларни эмас, балки амалиётни ҳам билиши керак.

Ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича билим берадиган ўқитувчи ўсимликларнинг ўсишини, ташқи муҳитнинг таъсири, ўсимлик морфологияси, биологияси ҳамда етиштириш агротехникасини билиши ва уни талабага еткази олиши мумкин жараён саналади. Талабалар билимларни зарурий тарзда эгаллаши учун ўқитишда мумкин бўлган тажриба ҳамда амалий машғулотларни ўқитувчининг иштирокида ўтказиш лозим. Тажриба ҳамда амалий машғулотларда асқотадиган усуллари далада, фермер ҳўжаликларида ўзлаштириши, шунингдек, қайта ишлаш корхоналарига ва оддий заводларга бориб асосий вазифаларни ўз қўли билан бажариши сабоқ олувчининг намунавий ҳолати, таянч билимга йўналиштиришнинг бош стратегияси ҳисобланади. Ҳамкорликка асосланган таянч билимни олиш «концепцияси» ушбу йўналишдаги ўқитиш режалари билан боғлиқ равишда олиб борилади.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш натижасида, аввало, олий таълим тизимидаги талабанинг мукамал билим олишига ва унинг ўзи ўрганаётган соҳани назария билан боғлаб ўрганишига шароит яратган бўлажак. Талаба учун сарфланган маблағ бекорга кетмаган бўлади, бўлажак ўқитувчи мактабда ўқувчи

ган соҳаси бўйича малакасини оширади. Учинчидан, талаба ўзининг иқтисодий аҳолини ўзи бажарган хизмати эвазига таъминлашга эришади.

Олий таълим муассасалари қошида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки соҳаларига оид ташкилотлар билан қилинаётган бугунги ўзаро ҳамкорлик ишлари биз тайёрлаётган талабаларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Фақат бу ишларга жиддий киришишимиз лозим. Талабанинг яхши кадр бўлиб чиқиши келажақда республикамиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида олдинга силжишга имкон беради. Демак, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги корпоратив ҳамкорлигини йўлга қўйиш бarcha олиё таълим тизимидаги муассасалар учун сифатли кадрларни тайёрлашда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Шу боис корпоратив ҳамкорлик бугунги кунда узлуксиз таълим тизими ҳодимларининг кундалик меҳнат фаолиятига айланиб бориши зарур.

Ҳозир ҳар бир олий таълим муассасаси ўз талабалари учун амалиёт олиб борилиши мумкин бўлган корхоналар билан шартномалар тузаётди. Бу қувонарли ҳолат. Сабаби, ушбу турдаги корпоратив ҳамкорлик олий таълим муассасасидаги талабалар учун амалиёт олиб борувчи жой бўлиши билан бир қаторда корхона учун ёш кадрлар захирасини танлаб олиш мумкин бўлган кадрлар банкни яратиш имконини ҳам беради. Мумкин, ўзлариди турли тармоқларни ривожлантиришни кўзлаган корхона мутасаддилари, тадбиркорлар иқтидорли, ихтиро қилиш имконига эга бўлган кадрларни яна бир неча йиллардан сўнг ҳам кадрлар банки орқали излаб топиб олишлари мумкин бўлади. Хуллас, олий таълим тизимида фан ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш орқали етук, малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашга эришилади.

Дилором ЁРМАТОВА,
ЎзДЖТУ табиий фанлар
кафедраси мудири, профессор

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР МАЖМУАСИ

назарий физиканинг барча бўлимларини қамраб олади

Кейинги ўйилликлар давомида физика фанининг кескин ривожига туфайли инсоният ва жамият ҳайратга соларли даражадаги ютуқларга эришди. Ҳозирги замон авлоди физиканинг янги йўналишлари пайдо бўлаётгани ва ушбу фан ютуқлари техника, биофизика, экология, геофизика, астрофизика, табиёт ва бошқа соҳаларга кириб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибди. Шу маънода, бўлғуси мутахассис ва олимларнинг дунёқарашлари ва махсус билимларини шакллантириш асосларидан бири бўлган физикани ўқитиш қандай ташкил этилиши керак, деган савол юзага келиши табиий.

Бунинг учун, албатта, кўплаб ривожланган давлатлардаги каби республикамизда ҳам физика фанини ўқитишга доир янги педагогик технологиялар, ўқув режа ва дастурлари, хусусан, адабиётлар яратишни замон талаблари даражасида йўлга қўйиш зарур. Жаҳон миқёсида ҳам бу муаммо ечимига қаратилган катта мунозаралар олиб борилаётди. Уларда ҳам катта суръатлар билан ривожланаётган соҳани замон талаблари даражасида ўқитиш учун кўплаб турғун тасаввурларни ўзгартириш зарурияти долзарб масалага айлангани бот-бот тақдорланмоқда.

Физикани ўқитишда халқаро физиклар педагогик жамоаси томонидан тан олинган "Физикадан Фейнман маърузалари", "Беркли физика курси", Л.Ландау, Е.Лифшицнинг "Назарий физика курси", В.Левич, А.Компанеев ва ўзбек олимлари Р.Маллин, А.Бойдадаев ва бошқалар томонидан яратилган назарий физиканинг айрим бўлимларига бағишланган ўқув қўлнамалари олий ўқув юртларида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда эди.

Аммо таъкидлаш жоизки, шу пайтгача республикамизда назарий физиканинг барча бўлимларини қамраб олган тизимли дарсликлар ёки қўлнамалар мажмуаси яратилмаганди. Мана шундай долзарб вазифани амалга ошириш мақсадида охириги йилларда Ўзбекистон Миллий университети "Ядро ва назарий физика" кафедрасининг етук олим ва муаллимлари профессор А.Абдумаликов умумий тахрири остида назарий физиканинг деярли ҳамма бўлимларини қамраб олувчи 4 жилдлик ўзбек тилидаги дарсликлар мажмуасини яратди. Мажмуа университетлар физика йўналиши талабалари учун тасдиқланган таълим стандартларининг ўқув режа ва дастурлари асосида ёзилган бўлиб, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида chop этилган.

Мажмуанинг биринчи жилди "Назарий механика" курси доцент Б. Файзуллаев томонидан ёзилган (Тошкент, Ўзлон номидаги НМИУ, 2011 йил). Бу жилд назарий физиканинг ҳаракат тенгламалари ва интеграллари, тебранишлар қаттиқ жисм ҳаракати, каноник формализми ва суёқликлар механикаси каби бўлимларга бағишланган. Мажмуанинг 2-

жилди профессор А.Абдумаликов томонидан ёзилган "Электродинамика" бўлимининг (юқорида келтирилган нашриёт, 2011 йил). Муаллиф Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети, Низомий номи ТДПУ талабаларига ўқиган маърузалари ва кўп йиллик педагогик тажрибаларига асосланиб, ўқувчи учун қулай бўлган янги турдаги дарслик яратган. Дарсликда асосий эътибор назарий физиканинг замонавий методлари орқали узлуксиз равишда махсус нисбийлик назарияси ва электродинамика қонунларини ва бошқа муҳим физик ҳодисаларнинг моҳиятини очишга қаратилган.

Маълумки, ҳар қандай физик жараёни назарий таърифлаш унинг моҳиятини фақат юзаки баҳолаш бўлиб қолар эди. Шунинг

Taqriz



ҳисобга олган ҳолда муаллиф китобнинг ҳар бир боби якунида мавзуга оид масала ва саволлар келтирилганки, улар асосий фикрларни аниқлашга ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Дарслик сўғида масалалар ечимлари ва матнда фойдаланилган математик ибораларнинг таърифлари келтирилган.

Мажмуанинг учинчи жилди академик М. Мусахонов ва доцент А. Раҳматов томонидан ёзилган "Квант механикаси" дарслигидир. (Тошкент, "Тафаккур бўстони", 2011 йил).

Маълумки, физикада содда ва аниқ воқеалари билан бирга, инсон тафаккури билан англаш қийин бўлган ҳодисалар ҳам мавжуд. XX асрнинг бошларида пайдо бўлган физиканинг нисбийлик назарияси ва квант механикаси каби фундаментал назариялари классик физика қонунлари асосида таърифлаш мумкин бўлмаган ёруғликларнинг квант табиати ва электроннинг түлқин хусусиятларини ҳамда бошқа бир қанча эффектларни тушунтириш имкониятларини яратди. Дарсликда тажриба натижалари М.Планк, А.Эйнштейн, Н.Бор, Л. де Бройль каби назариётчилар таҳлили асосида келиб чиққан Шредингернинг түлқин тенгламалари атрофида ёритиб берилди. Ушбу тенгламадан фойдаланган ҳолда бир ўлчамли масалалар, марказий майдондаги ҳаракат, водород атомининг назарияси каби

масалаларнинг ечилиши кўрсатилган.

Шу ўринда эътироф этиш кераки, квант механикасини назарий физика курсининг энг мураккаб бўлими деб ҳисоблаш мумкин. Шундай бўлса-да, муаллифларнинг кўп йиллик педагогик тажрибаларига асосланиб тузилган мавзуларнинг соддаликдан мураккабликка асосланган кетма-кетлиги туфайли бу курсни ўзлаштириш нисбатан соддалаштирилган. Бундан ташқари, ҳар бир боб якунида келтирилган синов саволлари ва масалалар, китоб охиридаги иловалар ўқувчи билимларини чуқурлаштириш ва ўзини синаш имконини беради.

"Назарий физика курси" дарсликлар мажмуасини профессор А. Абдумаликов ва доцент Р.Маматқуловнинг "Термодинамика ва статистик физика" дарслиги якунлайди.

Бу қисм назарий физика курсининг кўп атомлар ва молекулалардан ташкил топган тузилмалар – газлар, суёқликлар ва қаттиқ жисмларда мавжуд бўлган физик жараёнларни ўрганишга бағишланган бўлиб, муаллифлар муаммонинг математик аппаратига кенг тўхталмасдан, оддий мисоллар билан мураккаб тасаввурларни таърифлашга, уларни тушуниш осон бўлиши учун энг зарур муносабатлар ва тенгламаларни содда ва аниқ усуллар билан чиқаришга ҳаркат қилганлар.

Дарсликда статистик физиканинг асосий тасаввурлари ва тадқиқот усуллари, статистик ва феноменологик термодинамика асослари, идеал ва ноидеал системалар статистик назарияси, номувозанат жараёнлар термодинамикаси, кинетик жараёнлар келтириб чиқарадиган муаммоларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган. Назарий физика курсининг аввалги қисмларида бўлган каби мавзуларни мустаҳкамлаш учун масалалар ва саволлар берилган.

Мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан университетлар ва педагогика институтлари учун асосий дарслик сифатида тавсия этилган мазкур мажмуа олий таълим тизимида етук кадрлар тайёрлашга хизмат қиладиган зарур қўлланма бўлиб хизмат қилади.

С. ЗАЙНОВИДИНОВ,
физика-математика
фанлари доктори,
профессор

Кафтимизни эзгулик томчиларига тутайлик

Ёзувчи Тоҳир Малик нафс кутқуси ҳақида шундай ёзади: «Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсасига эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиш мумкин? Фақат ўз-ўзига! Агар сиз одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай, бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм этганини кўрсангиз, билингки, у озод эмас... у ўз истаги — нафси қулидир».

Афсуски, атрофимизда нафс қулига айланган кимсалар ҳам учраб туради. Улар ўз нафси, эҳтиёжлари учун кези келганда энг яқин дўстидан воз кечади, туғишган биродарларидан узоклашади, кимнидир ғийбат батчиғига булаб, кимгадир тўхмат қилади. Бир суякни талашаётган икки итнинг мақсадини тушуниш мумкин. Бироқ емоқ-ичмоғи, киймоғи мўл одамлар бир-бирларига зулм қилишса, нафсларини қондириш учун олишишса, буни қандай изоҳламоқ мумкин?

Ўғрилиқни «касб» қилиб олган бир аёл қўшнимиз бўларди. Биргина инсон бутун оиласи шаънига доғ тушириши мумкин экан. Уни нафс жаҳлат ва разиллик эшиклари, боши берк кўчалар сари етаклади. Эрига ҳам, бола-

Сиз нима deysiz?

ларига ҳам бу «касб»ни ошино тутди. Ёз кунлари айни қоқ пешинда, барча иссиқдан соянастқамда жон сақлаётган маҳалда у болалари қулига «хуржун» тутқазиб, кўчага чиқариб юборарди. Фарзандлар эса қаровсиз уйлардаги мевалар — олмалар тортиб, узумгача топиб келишарди. Бу «амал»лари учун улар бир кун келиб жавоб бермоқни хаёлига ҳам келтирмасди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Тез орада бутун қишлоқ аҳли бу оила «тадбир»ларидан огоҳ бўлди. Тўғри йўлга солиш ниятида бир неча маротаба панд-насиҳат ҳам, кўпчилик олдида изза

ҳам қилиб кўришди. Бироқ «букрини гўр тутатади» деганлари рост экан, уларга бу усуллар, уялтиришу маслаҳатлар кор қилмади. Йиллар ўтиб хонадоннинг ягона ўғил фарзанди катта миқдорда пул ўғирлаб, бутун оиланинг қишлоқдан кўчиб кетишига мажбур қилди. Мана, одамзодни ҳар кўйга соловчи нафс балоси.

Оллоҳ ҳар бир бандасига бaxт инъом этади. Бу худди ёмғир томчиларига ўхшайди. Биров томчиларга кафтини тутди, бошқаси тадбир ишлатиб, кўпроқ туплашга уринади. Аммо ҳалоллик, поклик, адолатлилик, меҳр-муҳаббат каби фазилатларсиз бахтга эришмоқ мушкул.

Гўзал МАЛИКОВА

Шахмат ўйини ҳаётини курашларнинг кичрайтирилган кўринишига ўхшайди гўё. Ният битта — мақсадга эришиш. Ҳар иккисида ҳам вақт муҳим аҳамиятга эга. Фақат фарқи шундаки, ҳаётда бирор нарсани амалга ошираркансан, сен билан бирга вақт ҳам тинимсиз (хатто гоҳо сендан анча илдамроқ) ҳаракатланаётгани биров хотирингдан фаромуш бўлади. Ўйинда эса вақт

англаймиз? Ҳамма нарсани ўз вақтида амалга оширмасак, нафақат ўзимизга, балки ўзгаларга ҳам зарар етказишимиз мумкин.

Дарсга ўн дақиқа кечикиб кирсангиз, маъруза ўқиётган ўқитувчининг фикрини бўлиш билан бирга, мавзунини диққат билан тинглаб турган тенгдошларингизнинг хаёлини ўғирлайсиз. Бизда кечикишларга чек қўймоқчи бўлган декани-

Бир лаҳзанинг қадри

билан ҳисоблашмасак, цейтнот(вақт тигизлиги)га тушиб, соатдаги байроқча йиқилади ва мағлуб бўлган ҳисобланамиз. Ўйинда вақт қадрини ҳар лаҳзада ҳис қилиб турамиз, шу сабаб бўлса керак, вақтни асраб қолишга, ундан унумли фойдаланишга уринамиз. Ҳаётда эса аксариyat ҳолларда унинг қадрига етмаганимизни кеч

миз бир куни соат 8:30да дарсга кўнғироқ чалиниши билан ташқи эшикни ёпиб қўйди. Соат ёдан 45 дақиқа ўтганда эшик ташқарисидан анчамунча талаба йиғилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам 15 дақиқа кечикмади: кимдир атиги бир дақиқага кеч қолганди. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, биз учун унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ўша бир

интернет-сўров берилди ва ҳоказо.

Ҳа, Фафур Гулом ёзганидек, асрлар тақдирини лаҳзаларда ҳал бўлади. Энди мана шундай қудратга эга вақтни биз нималарга сарфлаётганимиз ҳақида бир ўйлаб кўрайлик.

Шахмат ўйинида ютақазиб қўйсангиз, оқ-қора доналарни тахтага яна бошқатдан териш мумкин. Аммо ҳаёт бизга бир марта берилди. Умр шомиди афсусдан, шоридек пушаймон бўлишдан эса фойда йўқ.

Кошки қайтсайди ортга агар бир кунга ёшдик,

Унга айтардим бошга нелар солди кексалик.

Иқбол ПАРДАЕВА

Онахонга рахмим келди

Автобус бекатида хаёл суриб туриб, йўл четини супураётган онахонга кўзим тушди. Унинг қўллари қадок, Толиқди шекилли, келиб ёнимга ўтирди. «Ассалому алайкум, чарчамаёйсизми?» дедим унга жилмайиб. У ҳам мен-

Taassuf

каради-да: «Э, болам, нима-сини айтий, жуда чарчадим. Ҳар куни эрта тонгдан йўл четига чиқиндиларни тозалаб чиқаман. Қишин-ёзин халқ хизматидамиз. Майли, ишимдан ҳечам нолимайман, аксинча, факрланаман. Ҳалол меҳнат қилиб фарзандларимни боқаяпман. Аммо баъзи ёшларнинг тартибсизликлари дилимни оғритади. Тозалаган жойим бирпасда pista пўчоғига тўлади. Махсус идишларга ташлашса ҳам бўлади-ку! Ёгингарчилик пайтида ерга ёпишиб

қолган pista пўчоқларини супуришнинг турган-битгани азоб. Айтган билан фойдаси йўқ, қаққан қақаверади. Нима ҳам дердим, инсофни ўзларига берсин». Онахонга жуда раҳмим келди. Эҳ, биз ёшлар...

Кўча-кўйда, бозорда pista сотиб ўтирган аёлларга кўзингиз тушади. Уларнинг «кеп-қолинг, опқолинг» деган қаққирликлари кишини ўзига тортади. Тирикчилик-да, қора қозонни қайнатиш керак. Аммо pista қаққиб атрофни флос қилганда кўра, уни қақмай саломатлигимизни асраганимиз маъқул эмасми? Шифокорлар таъкидлашади: pista — минглаб микробларнинг уяси.

Ҳақим Йўлдошев,
ЎзДЖТУ талабаси

Гуруҳимизда кўнғироқсоч бир қўш ўқийди. Ҳар куни қончиларини дид билан турмак-

Kuzatuv

лаб келишига ҳавас қиламан. Бир куни қизиқиб сўрадим:

— Бунга қандай улгурасан? Масалан, мен эрталаб зўрға нонушта қилишга вақт топаман.

Гўзаллик ортидаги қурбонлик

Унинг биллурдай кўзлари чақнади: — Кечкурун. — Ахир, қандай қилиб? — ҳайратландим яна. — Ётганда ноқулай эмасми? — Бир томонга ёнбошлаб ухлайман. Гўзаллик қурбонлик талаб қилади, ўртоқ, — деди у жилмайиб.

Француз халқида шундай гап бор: ўн олти ёшда гўзал бўлмасанг — камчилигинг, қирқ ёшда гўзал бўлмасанг — айбинг. Лекин бир нарсани эътиборга олайлик. Ёшариш ва янада кўркамлашиш учун ишлатилаётган воситалар

сини юпқалаштириб, тошмалар тоширишини ҳаммамиз ҳам биламизми?

Уйимизга меҳмонга келган ўртанча холамини таниёлмай, останада туриб қолдим. Доим сутта чайилгандай оппоқ

турадиган юзлари пиёз пўчоғидай қовжираган. Камондай таранг тортилган қошларининг ўрни деярли билинмайдди. Холам сабабини тушунтира кетди:

— Бўянишга вақтим бўлмади, жиян, шошиб келавердим. Билинмаяптими?

Шунда «Гўзаллик — табиийликда» деган сўзнинг маъини чаққандай бўлдим. Майли, ўзимизга оро берайлик. Фақат соғлигимизга зиён келтирадиган даражада бўлмаса, бас.

Дурдона МУХТОРОВА,
талаба

«Камолот» ЁИХнинг «Етакчи» ёшлар ўқув маркази ходимлари бошланғич ташкилот етакчилари билим-кўникмасини ошириш билан бирга, ўз билим-тажрибаларини ҳам бойитиб борадилар. Марказда мавсумий «Етакчиликка психологик нуқтаи назар» мавзuida семинар-тренинг ташкил қилинган. Тренинг ҳар мавсумда мунтазам ўтказилади, марказ ходимлари 10та турли хил илмий ва психологик мавзу бўйича ўқув машғулотида қатнашади. Мақсад ходимларга янги психологик ёндашувларни, шунингдек, замо-

Тажрибаларни бойитиш тренинглар олдидаги бош вазифадир

навий интерфаол ўқув машғулоти ва ўйинларни ўргатишдир. Дастлабки ўқувларда «Жамоада ўзаро мулоқотни шакллантириш», «Мақсадни аниқлашда йўлни тўғри танлаш», «Етакчининг ташқи ва ички имиж», «Шахснинг ўзига хос кўринишлари: темперамент ва характер», «Бир жамоа мақсади», «Етакчининг стресс ва дистресс ҳолати. Ундан чиқиш

усуллари» каби мавзулар қамраб олинди.

— Ҳар бир шахс маълум бир вазифада ишлаётганими, энг аввало, маъсулиятини ҳис этиши лозим. Ҳозирги ёшлар билимга жуда чанқоқ. Улар маълумот сифатида қабул қилган нарсаларнинг асл илмий маъносини тушунтириб бериш бизнинг асосий вазифамиздир. Шунинг учун ҳам

билим ва салоҳиятини мунтазам ошириб бориш ёшларга таълим берувчи малакали ходимлар учун ҳам жуда муҳим, — дейди психолог Луқмон Казаков. — Замонавий тренингларда иштирокчи зерикishни бошладими, ўтказилаётган семинарнинг аҳамияти йўқолади. Шунинг учун «Етакчи» ёшлар ўқув маркази ходимларининг малакасини ҳар томонлама юксалтириш мақсадида мавсумий тренинг ўтказиш жорий этдик, бу уларнинг фаолиятида яхши самара бериши шубҳасиз.

Камола ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси



«Ma'rifat» Mahorat Maktabi

2005 йили физиология ва тиббиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти австриялик шифокорлар Барри Маршалл ва Робин Уорренга берилди. Табиийки, тадқиқотчилар бундай юқори даражадаги мукофотга бежиз сазовор бўлмаган. 1984 йили Робин Уоррен ошқозон ичак касалликлари яллиғланиши, гастрит, ўн икки бармоқли ичак касалликларини шу кунгача номаълум хеликобактер пилори (*Helicobacter pylori*) спиралсимон бактериялари келтириб чиқариши ҳақида мақола ёзган эди. Ўша пайтда бу мақола катта эътирозларга сабаб бўлиб, анча вақтгача унда илгари сурилган фикр нотўғри деб қаралган. Боиси, бунга қадар ошқозондаги яллиғланиш нотўғри овқатланишдан, инсонларнинг кўп асабийлашишидан келиб чиқади, деб ҳисобланарди.

ди. Хеликобактер пилори бактерияси эса айнан шу суюқлик ичига яширинган ҳолда у билан озиқланар экан. Натижада, ичакларнинг бу қисми ҳимоя суюқлигисиз қолади. Овқатланишдан олдин ажраладиган сўлак безлари таркибидаги хлорид кислота бўлса, ўз навбатида, ичакни яллиғлантириб, юқорида тилга олинган касалликларни келтириб чиқаради.

1994 йилга келиб бутун

терияларга қарши воситалар ҳам кашфиётчи-олимлар томонидан кашф этила бошланди: таркибида висмут elementi бўлган дорилар бактерия кушандаси деб топилган. Бу бактериялар ошқозон саратонини келтириб чиқарувчи энг хавфли бактерия экани аниқлангач, кашфиёт инсон саломатлигини сақлаш борасидаги муҳим қадам бўлганлиги эътироф этилди.

Нобель мукофоти ўз эга-

қиқотчиларнинг таъкидлашича, ўсмирлар ва кичик ёшдаги болаларда ушбу микроорганизмлар топилса, улар астма ёки бошқа бир аллергия касалга чалинмайдиган. Аксинча бактериялар бўлмаса, астма ривожланиши эҳтимоли бошқаларга нисбатан бир неча баробар юқори бўлиши мумкин экан. Шу боис мутахассислар бир овоздан XX асрнинг муҳим кашфиётларидан бири — хеликобактер пилорининг

ГАСТРОЭНТЕРОЛОГЛАРНИНГ МУҲИМ КАШФИЁТИ

ёхуд кислотада ривожланувчи бактериялар

Эҳтимол, шу сабаб инсон ошқозонинда қандайдир бактерия яшаши мумкинлиги ақлга сиғмайдиган ҳол сифатида қабул қилинган. Бунинг устига мутахассисларга ошқозонда ферментлар ёрдамида хлорид кислота ишлаб чиқарилиши маълум эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар бу каби кислота муҳитида бирорта ҳам бактерия яшай олмайди, деган фикрда эдилар.

1979 йили Робин Уоррен гастроэнтолог Барри Маршалл билан бирга бемор-

нинг ошқозон шиллиқ пардасида яшайдиган бактерияни топиб, ўзига хос тадқиқот олиб борган. Кўп йиллик текширув ва изланишлар натижасида бактериянинг «думча»си борлиги, микроорганизм шу «думча» билан ошқозон-ичак қисмига ёпишиб олиб яшаши аниқланган. Таъкидланишича, ошқозондан ишлаб чиқариладиган хлорид кислота ошқозон ва ичакларни куйдириб юбормаслиги учун инсон организми томонидан махсус суюқлик ажратила-



дунё шифокорлари бу кашфиётни тан олган. Аввалига бактериянинг шу даражада яшовчанлиги олимларни ҳайрон қолдирган. Мунтазам изланишлар натижаси ўларок, қисқа фурсатда бак-

ларига топширилган, бактериялар билан боғлиқ яна бир кашфиёт эълон қилинди. Океанортилик олимлар бу микроблар ва астма касаллиги ўртасида ҳам алоқа борлигини аниқлашган. Тад-

аниқланиши инсоният саломатлигини тиклаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди, деган фикрда.

Нодир МУРОДОВ,
Мирзо Улугбек туманидаги
286-мактаб ўқитувчиси

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Танлов номи: Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур танловда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

Молиялаштириш: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов "Бир босқичли — бир конвертли" рақобат таклифларини

танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Танловда давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган, суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турмаган, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун рухсатнома(лицензия)га эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган корхоналар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Махсус мактаб, мактаб-интернатлар учун чоп этиладиган дарсликлар рўйхати

Т/р	Дарсликлар номи	Муаллифлар номи	Синфи	Таълим тили	Йўналиши	Адади	Энг юқори нарх
1.	Нутқ ўстириш	С.Саидазизова	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 116	13 248
2.	Ёзув дафтари	М. Хўжаева ва б.	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 220	3 603
3.	Математика иш дафтари	Ф.Музаффарова	1-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 204	6 352
4.	Она тили	Р.Шомахмудова	2-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 136	12 894
5.	Ўқш китоби	Қ.Абдуллаева ва б.	2-синф	ўзбек	ёрдамчи мактаб учун	1 138	11 484
6.	Природоведение	Ф.Назарова ва б.	7-синф	рус	ёрдамчи мактаб учун	423	24 526
7.	География	Х.Ваҳобов ва б.	7-синф	рус	ёрдамчи мактаб учун	433	35 965
8.	География	Х.Ваҳобов ва б.	8-синф	рус	ёрдамчи мактаб учун	426	28 904
9.	Математика	У.Файзиева	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	486	30 861
10.	Математика иш дафтари	Х.Калбаева	1-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	486	25 872
11.	Математика	Н.Дадаходжаева ва б.	2-синф	ўзбек	Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун	483	49 126

Танлов ҳужжатларини талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2012 йил 13 июндан бошлаб ҳар куни (шанба ва яшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар 100078, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон (+998 71) 239-14-01, 239-40-81. Факс (+998 71) 239-40-83.

Барча таклифлар 2012 йил 12 июль соат 14.30га қадар юқорида келтирилган манзилда қабул қилинади. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги биносидан, 2012 йил 12 июль соат 15.00да барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

КАСАЛЛИКЛАР
СТАТИСТИКАСИ
ОШМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё микёсида юқори қон босими (гипертония) ва қанд касаллиги (диабет) билан касалланиш ҳолатлари кўпайётганини маълум қилди. Шу билан бирга, жаҳонда юқумли бўлмаган (сурункали) касалликлар билан хасталанишга замин яратадиган омиллар ошаётгани ҳам ҳисоботда баён этилган, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Ташкилотнинг статистик маълумотларига кўра, дунё бўйича катта ёшдаги ҳар учинчи одамда юқори артериал босим — инсулт ва юрак хасталиқларини келтириб чиқариб, ноҳус ҳолатга олиб келувчи сабаблар аниқланган. Ҳар ўнчинчи одамда эса қанд касаллиги белгиланган. Таш-




килот бош директори Маргарет Ченнинг таъкидлашича, «Жаҳон соғлиқни сақлаш статистикаси — 2012» номли мазкур ҳисоботда сурункали касалликларнинг ортиб бориши масаласига эътибор қаратилган.

Ҳар йили тайёрланган бу ҳисобот 194 мамлакатнинг қон босими ва қандаги глюкоза моддаси юқори деб топилган аёл ва эркеклар сонига кўра фоиз кўрсаткичларини ўз ичига олади. Масалан, бир неча Африка давлатларида аҳолининг аксарияти катта ёшли қисмида юқори қон босими қайд этилган. Маълумотлар асосида эса умумий тенденция — деярли барча мамлакатларда кўпчанча эркекларда артериал босим ва қандаги глюкоза моддаси ошиши кўрсаткичлари белгиланди. Юқорида тилга олинган хасталиклар билан касалланишга олиб келувчи энг асосий омиллар — тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва семизлик дея таъкидланмоқда.

НАНОНАЙЧА МЕВА
ПИШГАНИНИ АНИҚЛАЙДИ

Океанортидаги Массачусетс технологик университети олимлари содда, ихчам ва арзон ўзига хос ускуна — меваларнинг етилганини белгилувчи детекторни яратишнинг уддасидан чиқибди. Жараёнда углерод нанонайчалари асосида ишлаб чиқилган асбоб этилен моддаси — мева пишганини билдирувчи газ ҳолатидаги гормон концентрациясини аниқлайди, деб ёздаи «Компьюлента» манбаси.

Ускунанинг сезувчан қисми (сенсори) углерод найчалардан ўтказган ток қаршичилигини ўлчайди. Этилен гормони инерт ва жуда содда органик бирикма бўлиб, унинг концентрациясига нанонайчаларни сезувчан қилиш мақсадида этиленнинг мис ионларига ўхшаш воститадан фойдаланилган. Америкалик муҳандислар томонидан яратилган мазкур ускуна меваларнинг етилганини шу даражада назорат қилиш имконига эгаки, натижада уларни у ёқдан бу ёққа ташиш пайтида ҳам улар ортиқча эзилиб кетмайди ва айниб қолмайди. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, мазкур ускунанинг нархи унчалик қimmat эмас. Яъни, атиги бир доллар атрофида.

Ҳурматли
Матлуба МАДАМИНОВА!

Мингбулоқ туманидаги 13-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида, мана, бир неча йилдирки, раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизни туғилган кунингиз ва қутлуг 55 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз.

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлар эканмиз, ёш авлод тарбиясидаги сермашаққат меҳнатингиз, маънавий-маърифий соҳада ҳаммага ўрнак бўлиб, ўқувчиларни фаолликка қорлашингиз, мактаб-интернат жамоасига намунали раҳбарлигингиз барчамизни қувонтириб, доимо руҳлантиришини эътироф этамиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз. Ҳамиша фарзандларингиз ва шогирдларингиз қамолини кўриб юрин!

ХАМКАСБЛАРИНГИЗ.

ТУК
ҲУЖАЙРАЛАРИ
ТОВУШ
СИГНАЛИНИ
ҲОСИЛ ҚИЛАДИ

АҚШнинг Эмори тиббиёт университети тадқиқотчилари ген муҳандислигига оид изланишда қулоқ шиллиқ пардаси зарарланиб, эшитиш қобилияти сусайганда у органининг ички қисмида қўшимча тук ҳужайраларини ҳосил қилиши мумкинлигини аниқлашди. Бунга эса Atoh1 генини фаоллаштириш орқали эришилади. «Сайнс Дэйли» нашрида мавзуга оид мақола чоп этилди.

Мутахассисларнинг айтишича, қулоқ шиллиқ пардасидаги тук ҳужайралари товуш тўлқинлари таъсирида тебранишни бошлайди. Бу тебранишлар ўз навбатида асаб товлари учларини ҳаракатга келтириб, улардан ҳосил бўладиган импульслар бош мианинг эшитиш қисмига боради ва шу ерда товушларни аниқлаш ҳамда таҳлил этиш жараёнлари кечади. Atoh1 гени эса таркибида тук ҳужайралари бўлган эпителийнинг шаклланишини назорат қилади.

Биологлар ген фаолиятининг самарасини кузатиш учун диққатини антибиотик эрдмида уни фаоллаштиришган. Бу эса, ўз навбатида, янги тук ҳужайраларининг шаклланиши жараёнини назорат қилиш имконини беради. Натижада, олимллар томонидан Atoh1 гени эрдмида ҳосил қилинган тук ҳужайралари одатий турдагилари каби бошқа нейронлар билан таъсирлашиб, худди улар каби товуш сигналини ҳосил қилиши кузатилди.



Мутахассисларнинг айтишича, қулоқ шиллиқ пардасидаги тук ҳужайралари товуш тўлқинлари таъсирида тебранишни бошлайди. Бу тебранишлар ўз навбатида асаб товлари учларини ҳаракатга келтириб, улардан ҳосил бўладиган импульслар бош мианинг эшитиш қисмига боради ва шу ерда товушларни аниқлаш ҳамда таҳлил этиш жараёнлари кечади. Atoh1 гени эса таркибида тук ҳужайралари бўлган эпителийнинг шаклланишини назорат қилади.

СОЛИҚЛАР СЕМИРИШНИНГ
ОЛДИНИ ОЛАДИ

Буюк Британиянинг «Бритиш мэдикал жорнал» («British Medical Journal») нашрида чоп этилган икки мақолада мазали бўлса-да, аини пайтда зарарли дея эътироф этилган озиқ-овқат маҳсулотларига солиқ жорий этиш тақлифи илгари сурилмоқда.

Маҳсулот солиғи ишлаб чиқарувчидан иштеймолчигача бўладиган занжирнинг барча «иштирокчилари»га тенг тақсимланиши кўзда тутилмоқда. Таъкидланишича, солиқ тобора кенг тарқалётган семириш хасталиги ва у билан боғлиқ ҳолда шаклланаётган сурункали касалликларнинг олдини олиш мақсадида жорий этилган.

Мамлакатдаги Оксфорд университети олими Оливер Миттон раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи ўтказган изланишда турли давлатларда зарарли маҳсулотлар(масалан, тамаки ва спиртли ичимликлар)га жорий этилган солиқлар тизими ўрганилган. Бунда маҳсулотга қўйиладиган солиқ миқдори ошгани сари уни иштеймол қилиш кўрсаткичи пайсанини аниқланган. Лекин тадқиқотчилар ёйиладиган ёки ичиладиган маҳсулотларга нисбатан мазкур тамойил ҳар доим ҳам қўлланилмаслигини кузатишган. Айни пайтда тадқиқотчилар нисбатан катта солиқ вазиятини яхши томонга ўзгартирганини ҳам кузатишган. Масалан, Данияда ёғли маҳсулотга солиқ жорий этилган, АҚШдаги «Brigham and Women's» шифохонаси ошхонасида ширин газли ичимликларнинг нархини 35 фоизга ошириш уларнинг иштеймоллини 26 фоизга туширган. Шу боис олимллар зарарли озиқ-овқатга камида 20 фоизли солиқ жорий этиш фикрини илгари сурмоқда, акс ҳолда бунинг фойдаси бўлмайди.

Айни пайтда тадқиқотчилар мазкур чора-тадбирлар салбий ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкинлигини яхши тушуниб турилибди, хусусан, одамлар овқат қimmatлигини рўқач қилиб, фойдали эмас, пули етадиган нарсани иштеймол қилишга ҳам ўтиши мумкин. Шу боис солиқни жорий этиш билан биргаликда соғлом овқат — мева ва сабзавотларни субсидиялаш тақлиф этилмоқда. Қолаверса, ширинликларнинг ўзига солиқ жорий этиш ёғли маҳсулотларга талабни кучайтириши ҳам мумкинлигини эътиборга олиш талаб этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, солиқнинг жорий этилиши семизлик ва у билан боғлиқ касалликлар муаммосини ҳал этмаса-да, тўғри овқатланишни ташкил этишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Лондон Сити университети олими Коринна Хоукс ишлаб чиқариш ва озиқ-овқатлар маркетинги соҳасида кенг қамровли изланишларни амалга оширишга қақирмоқда. Унинг таъкидлашича, носоғлом овқатланишга қарши курашишда асосий «нишон» иштеймолчи эмас, балки ишлаб чиқарувчилар бўлиши лозим.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



АҚШ ва Хитой Халқ Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ноқонуний қурол савдоси билан шугулланувчи жиноий гуруҳга қарши олиб борилган тезкор операция давомида АҚШ ва Хитой худудида жами 28та гумондор шахс қўлга олинди.

Афғонистон шимоли-шарқида содир бўлган магнитудаси тахминан 6,2 баллга тенг зилзила тоғнинг қулашига сабаб бўлган ва оқибатда 80дан ортиқ киши жабрланган.

АҚШнинг Колорадо штатида кузатилаётган ўрмон ёнғинлари ҳозиргача 5600 гектарга яқин худудни ўт ичида қолдирган.

Хитой фуқаро авиацияси бошқармаси раҳбари Ли Цзясян 2015 йилга қадар мамлакат ҳукумати 70та янги аэропортни қуриш ва яна 101тасини таъмирдан чиқаришни режалаштираётганини билдирди.

Океанортидаги Anadarko Petroleum нефть ва газ корпорацияси Мозамбикда йирик газ қони борлигини аниқлади ва у ерда 10 миллиондан 30 миллион куб метргача микдорда газ бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Нобель жамғармаси раҳбарлар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга кўра, энди муқофот соҳибларига бериладиган пул микдори 20 фоизга қисқартирилади ҳамда 1,1 миллион доллар қилиб белгиланади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва жамоат ташкилотлари Табиийёт фанлари факультети «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Султоновага онаси

Анбар хожи ая СУЛТОНОВанинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институту фахрийси Рустам Йўлдошевга турмуш ўртоғи ЛАЪЛИХОН аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим» кафедраси мудири Лобар Миржало-ловага волидаси

Лаъли ая ЙЎЛДОШЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Балогат сўзининг луғавий маъноси «етуклик» бўлиб, маънони тўғри ва фасоҳатли ибора билан очик-ойдин етказиб беришни англатади. Бунда танланган ибора айтиладиган ўрни, мурожаат қилинаётган шахсга нисбатан мос ва уйғун бўлиши билан бир қаторда кишини таъсирлантирадиган, ўзига мафтун этакдиган каломлардан ташкил топиши лозим. Классик адабиёт намуналаридан кўп учрайдиган балогат санъати, аввало, истеъдодга, гўзалликка таянадиган санъатлардан биридир.

Балогат санъатида эшитиш, рассомликда эса шакл ва рангларни кўриш борлигини ҳисобга олмаганда, нотик билан рассом ўртасида фарқ йўқ. Рассом бир суратни чизиб, унга мос рангларни танлаш, сўнг топан рангларини кўзини қувонтирадиган даражага етказиш ғамини чекса, нотик бирор мақола, қасида ёки маъруза матинини тузишда, аввало, унинг қисмлари тўғрисида ўйлайди, сўнг каломни тушунишга оsonроқ услубни излайди. Демак, балогат унсurlари — сўз, маъно; сўзларни таъсирли, чиройли ва қувватли қилиб тузишдир; ундан сўнг ифодалаш услубини жойи, мавзуй, тингловчиларнинг ҳоли ва хоҳишига қараб танлашдир.

Гоҳида бир сўз бир ўринда чиройли келса, бошқа бир ўринда қўлланганда ундай

бўлмаслиги мумкин. Гоҳида гапнинг ўзидан шундай бир гўзаллик, мафтункорлик уфурди туради. Шунга қарамасдан, ўз ўрнида қўлланилмаслиги сабабли, балогат чегарасидан чиқиб, танқидчилар нишонига айланади.

Шарқда балогат катта мавқега эга бўлган илмлардан бири бўлиб, зиёли кishиларнинг етуклик даражаси шу

Борамизми бугун кинога? (борамизми, йўқми?)

Кинога борамизми бугун? (киногами, ё бошқа ергами?)

Аҳамият бераётган сўзимизни сўроқ юклаганасидан кейин қўйсак, жумла маъноси шунга қараб ўзгаради. Шунинг учун араб тилида гап бўлаклари-нинг келиш ўрни жуда муҳим.

«Илму-л-баъд» сўз санъати илмидир. Унга бирин-

фикрни турли усуллар билан тушунтириб бериш.

Масалан, Аҳмад қўли очик инсон демокчи бўлсак, буни бир неча ибора билан айтишимиз мумкин.

Аҳмад қўли очик (инсон).

Аҳмад Ҳотам кабидир.

Аҳмад ўз дўстлари учун ёмғир булут (кабидир).

Аҳмаднинг уйида доим меҳмонлар (бор).

га ўтган ва ўз ўрнида гўзал тарзда қўлланиб келинади. Тўғри айтиб кўриш бу сўзларнинг чиройлилиги ва нутқда равонини, кўриниш ҳамда қулоққа ёқимсизини ажрата билишга асосдир.

Сўз товуш демакдир. Булбулнинг овозидан шодланиб, қарға ва бойўғлининг овозидан қочадиган киши қулоққа оғир, талаффузи қийин бўлган сўзлардан ҳам қочади. Масалан, «ёмғирли булут» маъносидagi «ал-музнату ад-дйимату» сўзларини қарангу, айнан шу маънодаги «ал-буқу» сўзини ўқинг. Аввалги икки сўз қулоққа ёқимли ва талаффузи енгил сўзлар. Кейингиси эса қулоққа ёқимли эмас. Бунга ўхшаш мисоллар луғатда кўп бўлиб, уларни қўллаб кўрсангиз буни идрок қилишингиз мумкин.

Фасоҳатли гап тузишда сўзларнинг енгиллиги танлансада, қоидадан чиқиб кетиш ва бегона сўзларни ишлатиш ман этилади. Фасоҳатда фикрни фасих жумлалар билан баён қилиш мумкин. Бу оson тушуниладиган, равон айтиладиган, сарф қоидаларига мос келувчи маънони аниқ жумладир. Балогат эса «илм ул-баён», «илм ул-баъд» ва «илм ул-маъоний» илмларини ўз ичига олган нотиклик ҳақидаги зиёли инсоннинг етуклик даражасини белгилувчи илмдир.

Шахло ХАЛИЛОВА

ЧИРОЙЛИ СЎЗЛАШ САНЪАТИ

илми қай даражада билиши билан белгиланган. Олимлар балогат илмининг уч қисмга ажратганлар. Булар:

«Илму-л-маъоний» сўзловчининг қўзлаган мақсатини тушунтириш учун каломни турли воситалар билан безаб изохлаш қоидалари илмидир. У жумла, сўз бирикмаси ёки бир сўзга жо бўлган маъноларнинг аҳамиятини ўрганади. Масалан, гап тузилишининг ўрни ўзгариши орқали маъноси ҳам ўзгаради:

Биз бугун кинога борамизми? (бизми ёки бошқаларми?)

Бугун борамизми кинога? (бугунми ё бошқа куними?)

чи бўлиб Абу Усмон Амр ибн Бахр ал-Жоҳиз асос солган. Сўх унинг ишини Холиф ибн Муътаз давом эттирган. Унинг таъкидлашича, сўз санъати қадим даврлардан буён мавжуд бўлиб, шоирлар ундан моҳирона фойдаланишган. Сўз санъати илми нутқни тинглаганда ҳуш ёқувчи сўз элементларини танловчи билимлар системаси ва уларни қўллаш амалиётидир.

«Илму-л-баён» таъбирни воқелик ва мақсадга мувофиқ тарзда тузиш услублари ҳақидаги илмдир. Илм ул-баён сўзма-сўз тушунтириб бериш деганидир. Яъни бу — бир

Балогатнинг шартларидан бири фасоҳатли сўзлаш олишдир. Фасоҳат сўзининг луғавий маъноси эса, «кўриниш, намоён бўлиш» демакдир. Масалан, тонг ёришганда «афсаҳа-с-субҳу» дейилади. Қолипга яхши тушган, лафзи енгил (сўзи оson), маъноси аниқ қилиб айтилган гап фасоҳатли гап дейилади. Бунинг учун ҳар бир сўз тушунарли, қулоққа ёқимли, маъноси тeраcан, морфологик қоидаларга асосан бўлиши лозим. Сўз маълум ва машҳур ёзувчилар, шоирлар орасида ишфода этиб келингандagina шундай бўлади. Чунки сўз ундай шоирлар орасида тилдан-тил-

«ХАЛҚ»МИ ЁКИ «ХАЛҚ»?

Яқинда бир китобни ўқиётиб, ундаги жуда кўп имловий хатоларга кўзим тушди. Бу хатолар деярли бир хил, яъни «х» ва «қ» ҳарфларининг нотўғри қўлланганлигидир. Чунки, **хаёли** сўзи **хаёли**, **халқ** сўзи **халқ**, **ҳар** сўзи **ҳар** тарзида берилган экан. Таассуфки, бу каби хатолари бор китоблар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ёнг ачинарлиси, бундай вазиятларни фақат китоб, газета ёки ўқувчиларнинг иншо, ёзма иш ва диктантларидagina эмас, балки оmmанинг эътиборини тортадиган кўча афишаларида ҳам тез-тез учратаймиз.

Маҳаллаларга кираверишда катта ҳарфлар билан ёзилган **«Хуш келибсиз»** жумласини ўқиб, ҳақли чиқаркан одамнинг. Уйлайман: наҳотки, бутун маҳалла шу иборанинг хато ёзилганлигини кўриб туриб, бeфарқ ўтиб кетса? Ёки улар ҳам бу хатони сезмаяптимики? Наҳотки, шу маҳаллада битта бўлса-да, саводли киши топилмаса?!

Кўрсанг, кўзингни олгудек бўлиб қад кўтарган баъзи бинолар пештоқидаги **«Хусусий банк»** деган иборага нима дейсиз? Бугунги кунда бундай хатоларни ҳар қадамда: қорхона, ташкилот ва, хаттоки, телевидениедаги реклама ва эълонларда ҳам кўп кўраёпамиз. Мусиқий каналда «айла-

наётган» клипларни томоша қилаётиб, бир қўшқиннинг номи беихтиёр эътиборимни тортди. Унинг исми **Хуршида** экан. Қаранг-а, хонанда ростдан ҳам **Хуршида**микан ёки **Хуршида**? Халқ хизматига юрган қўшқинларимиз, наҳотки, ўз исmlарини тўғри ёза олишмаса?

Кечаю кундуз тинмай меҳнат қилаётган Олмазор туманидаги талабалар поликлиникаси биносига кираверишдаги эълоннинг бир эмас, нақд тўртта сўзида хато

Millat mulki

борлиги кишининг гашига тегаркан:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1096, 1144-қарорлари ижросига биноан **ҳар** ойнинг иккинчи **ҳафта**сида «Ферит ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир-қизларни соғломлаштириш **ҳафта**лиги»га тақдир этилган».

Бу ердаги **ПК—ПК, ҳар** сўзи **ҳар, ҳафта** сўзи **ҳафта** тарзида ёзиллиши керак эди. Бу бирода ишлайдиган малакали шифокорларнинг аксарияти бу ҳолатга бeфарқлигини қандай изохлаш мумкин?

Кундалик ҳаётимизда метро хизматидан кўп фойдаланамиз. Метро бекатларидаги турли ёзувларга кўзимиз тушади. Шу ўринда баъзи бекатлардаги **«Эхтиёт**

бўлинг» иборасини эҳтиёт бўлиб ўқилинганлигини маслаҳат берамиз. Тўғри, бирор-бир тилшунос ёки саводли киши уни ўқиганда «Хато ёзилибди-ку» деб ўйлаб кетаверади. Лекин она тили бўйича ҳали тузулган билимга эга бўлмаган оддий йўловчи бу каби ҳолатга дуч келганда «Ҳа, бу жумла шундай ёзиларкан-да», деб кетаверади. Бироқ бу хато уларнинг онгига бир умрга сақланиб қолмаслигига ҳеч биримиз кафолат беролмаймиз.

Яхна ичимлик идишининг ёрлиғидаги «Совутилан **холда** ичинг» иборасига ҳам кўз юмиб кетиб бўлмаса керак.

Реклама, эълон, афиша ва роликларни тайёрлаб, оммага тақдим этаётган реклама агентликларидаги масъул шахслар қайёққа қараяпти? Бу каби ҳолатлар келажак авлоднинг саводсиз бўлиши ва бу каби хатоларни такрорлашга ўрганиб қолаётганликларининг сабабларидан бири ҳам шу эмасмикан?

Бемор шифокорга ўз вақтида мурожаат қилмаса, касали ёмонлашишини биламиз. Шунинг учун ҳар бир нотўғри кўринган ҳолатнинг олдини олиш шарт. Шу боис юқорида айтиб ўтилган хатоларни ҳам ўз вақтида бартараф этиш керак.

Нодира ИЗЗАТОВА

Андижон шаҳрида туғилган Муроджон Темиров болалигиданоқ расм чизишга қизиқди. Мактабда ўқиб юрган пайтлари расм дарсларида фаол қатнашар, устози сабоқларини диққат билан тинглар ва кузатарди. Қаҳрамонимизнинг айтишича, унинг илк чизган расми арча дарахти бўлган. Устози расмини кўриб, тенгқурлари олдида ишини яхши баҳолаганидан сўнг иштиёқи янада кучайган экан. Муроджоннинг айнан санъат йўлида изланишига оилавий муҳит туртки бўлган. Онасининг мусиқа мактабиде дарс бериши ва фарзандла-

дар ибодли, ҳаёли эканидан далолат беради. Келинчак атлас қўйлақда, бошига дўппи кийган. Қўлида эса анор тасвирланган. Биламизки, анор — фарзанд, тўкинлик рамзи. Асарда анорларнинг ҳажми турлича чизилгани оиладаги фарзандлар ёшига ишоради. Асарда келинчакнинг ота-онасига бўлган меҳр-муҳаббат, ҳурматини ҳис қилишимиз мумкин. Ишқ-муҳаббат борасида сўз юритганда унинг турли талқинларини кўрамы. Ишқ фалсафаси ва дунёвий тарзда: Ватан, ота-она, фарзанд ва ёрга бўлган муносабатларда намоён бўлади. «Келинчак»

МЎЙҚАЛАМ МАСЪУЛИЯТИ

рининг куй садоларини эшитиб улғаяётгани фикримиз далилидир.

Муроджон кейинги сабоқларини Андижон санъат лицейи ва Тошкент рассомлик коллежиде давом эттирди. 2008 йили Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти амалий санъат факультетининг реклама ва амалий графика бўлимига ўқишга кирди. Ҳозирги пайтда мазкур институтни битириш арафасида. У ўқиш давомида намунали хулқи, тиришқоқлиги билан тенгдошлари орасида алоҳида эътибор ва ҳурмат қозонди.

Ёш рассомнинг асарларини кузатар экансиз, улардаги олам манзаралари, Ватанимизнинг бетакрор табиати ва натормордаги шакллар аниқлигига гувоҳ бўласиз. Шу билан бирга, унинг асарлари миллий руҳ билан йўғрилган. Масалан, «Келинчак» портрет жанрида ишланган бўлиб, томошабин эътиборига биринчи ўринда қизнинг мафтункор, ибодли кўзлари ва ўз бахтидан ҳушнуд чехраси тушади. Келинчакнинг уятчан ҳолати, юзидаги қизилик ўзбек қизларининг нақа-

образиде эса, ота-онага бўлган муҳаббат назарда тутилади. Чунки ҳар бир қизнинг янги оилага қўниқилиши ота-онанинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ёш рассомнинг изланишлари, орзу-мақсадлари катта. У бўш вақтида устоз рассомларнинг ишларини кузатиб, соҳага оид адабиётларни ўқийди.


Муроджон Темиров 2010—2011 йиллари ўтказилган «Келажақ овози» республика кўрик-танловида ўз ижодий ишлари билан қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади. Ҳар йили ўтказиладиган «Тасвирий санъат» ҳафталигида ҳам фаол иштирок этади. 2007—2011 йиллари Муроджоннинг «Муҳаббатга интилиш», «Оила», «Келинчак», «Ой тўлган пайт» каби шахсий кўرғазмалари ҳам бўлиб ўтган.

Муроджоннинг битирув-малакавий иши мавзуси «Санъат намуналари намоёндалари» деб номланади. Унда ёш рассом беш йirik санъаткор образини яратишни мақсад қилган.

Севара САТТОРОВА

Айни кунларда бутун дунё футбол ихлосмандлари нигохи Европа яшил майдонларига қаратилган. Украина ва Польша мамлакатларида давом этаётган «кичик мундиал» аллақачон миллионлаб ишқибозлар учун қутилмаган натижаларни ҳаёда этишга улгурди. Хабарингиз бор, 1-тур учрашувлари ҳам ортда қолди. Аксарият терма жамоалар дастлабки матчларда руҳий ва жисмоний ҳолатини текшириб олишганини инобатга олсак, 2-тур янада шиддатли ва қизиқарли тарзда ўтиши шубҳасиз.

1-тур натижаларига кўра, қутилмаган воқеалар турнир фаворитларидан бири Голландия терма жамоасининг данияликларга уч очкони тақдир этгани (0:1) бўлди. «Улим гуруҳи» деб баҳоланган «В» қвартетининг иккинчи қарама-қаршилигида «немис машинаси» португалиялик ҳамкасбларини (1:0) енгди. Қолган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Польша — Греция 1:1, Россия — Чехия 4:1, Испания — Италия 1:1, Ирландия — Хорватия 1:3, Франция — Англия 1:1, Украина — Швеция 2:1. Дарвоқе, «Евро-2012»нинг илк голи польшалик футболчи Роберт Левандовски томонидан 17-дақиқада Греция дарвозасига киритилди.



Петр Чех — 1-турнинг энг «сермаҳсул» дарвозабони

Табиийки, мазкур учрашувларни чинакам футбол шинавандалари ҳар бир дақиқасини эътибордан четда қолдирмай кузатиб боришмоқда. Шу боис жараён ҳусусида тўхталиш ортқча. Бироқ

лақатидаги 136та клубда тўп сураётган жами 368 нафар футболчи жалб этилган. Улар ҳозирги вақтда қитъа чемпионатининг финал босқичига йўланма олган 16та терма жамоа таркибини ҳосил қилишган. Мазкур турнир иштирокчиларининг 82 нафари Англия чемпионатида тўп суради. Германия бундеслигасидан жами 47 нафар ва Испания чемпионатидан эса 34 нафар футболчи Украина ва Польшага ташриф буюрган. Энг қизиғи, биргина инглизлар терма жа-

фар бош мураббий легионер сифатида рўйхатга олинган. Маҳаллий мураббийлардан эса фақат хорватлар устози Славен Билич ҳамда немислар мураббийи Йоахим Левгина «Евро-2008»да ҳам қатнашган.

Терма жамоа устозлари ўз «қўшини»га ёшлик шиддати ва ўшқинлигини олиб кириш учун бир қатор навиқрон футболчиларни жалб этган. Жумладан, турнирнинг энг ёш иштирокчиси голландиялик Йетро Виллемсдир. Унинг ёши бугун 18 йил, 2 ой, 15

Санктис (Италия), Марк ван Боммел (Голландия)ни қўйиш мумкин. Уларнинг ёши 35 дан кам эмас.

Терма жамоалар орасида Швеция энг бўйдор ўйинчилар «отряди»ни ташкил этган. Скандинавияликларнинг ўртача бўйи 185 см., энг «пакана» ўйинчисининг бўйи 180 см.дир. Аксинча, энг паст бўйли «вуңдеркинд»лар эса Испания терма жамоаси сафида ҳаракатланишади. Уларнинг ўртача бўйдорлиги 180 см.га яқин.

Индивидуал ҳисобда



ландлиги амалда ҳеч қандай аҳамият касб этма-япти. Балки футбол сирларини пухта ўзлаштири- ган асл иқтидорлар жамланган бирдам жамоа ҳар қандай куч-қудрат ва

БҲЙ ЭМАС, БИРДАМЛИК МУҲИМ

футбол ичида, футбол атрофидаги маълумотлар кўпчиликни қизиқтиради. Хусусан, Европа футбол- лига оид аjoyиб статистика чемпионат арасида эълон қилинган. У «Евро-2012»нинг ядроси- ни ташкил этган футбол- чилар ҳамда терма жа- моаларга оид қизиқарли маълумотлардир.

Маълумки, «Евро- 2012» мусобақаларига сайёраимизнинг 24 мам-

моаси таркиби фақат Англиянинг ўзида тўп сурадиган футболчи- лардан иборат экан! Ир- ландия терма жамоаси таркиби эса аксинча, бу- тунлай «кўча»дан териб олинган.

Клублар сермаҳсулли- ги борасида немислар- нинг «Бавария»си етакчи- лик қилмоқда: мюнхен- ликларнинг 13 нафар футболчиси турли терма жамоалар либосини кий- ишган. «Реал»нинг 11 нафар ва «Динамо»(Киев)нинг 10 нафар футбол- чиси қитъа биринчилиги- га жалб этилган.

Бугунги футболда ўйин тақдири мураббий- нинг қўллаган тактикаси- га ҳам боғлиқ. Шу боис терма жамоалар бошқа- руви учун мамлакат фут- бол федерациялари хо- риқлик, бироқ тажриба- ли мутахассисларни чор- лашган. Хусусан, уч на-

кунга етди. Шунингдек, Алекс Окслейд-Чембер- лен (Англия), Жек Бат- лэнд (Англия), Максим Коваль (Украина), Рафал Вольски (Польша), Кос- тас Фортунис (Греция), Жорес Окор (Дания), Марио Гетце (Германия), Кириакос Пападопулос (Греция), Фил Жонс (Ан- глия) — ушбу ўйинчилар- нинг бирортаси ҳам ҳали 20 ёшга тўлмаган.


Турнирнинг энг ёши катта иштирокчиси эса, грециялик дарвоза- бон Констанс Халкиас экан, унинг ёши айни дамда 38 йилу 15 кунга тенг. Қолаверса, бу саф- га Александр Горяинов (Украина), Никос Либе- ропулос (Греция), Шей Гивен (Ирландия), Ан- дерс Свенссон (Швеция), Роман Шаронов (Россия), Андрей Шевченко (Ук- раина), Георгиос Карагунис (Греция), Морган Де

эса энг новча футбол- чилар турнирнинг энг кекса футболчилари гре- циялик Констанс Халки- ас ва Андерс Свенссон деб топилган. Уларнинг «узунлиги» қарийб 2 метрга тенг. Энг паст бўйли футболчи итали- яликлар сафида тўп су- радиган Эммануэл Зак- керини бор-йўғи 160 см.лик «баландлик»ка эга.

Турган гапки, футбол- да бўйнинг паст ёки ба-

савлатга эга тарқоқ жа- моани ер тишлатишга такрор-такрор гувоҳ бўлаяпмиз. Бунга куни кеча бўлиб ўтган Украи- на ва Швеция қарама- қаршилигида энг бўйдор шведлар бир чеккада қолиб, Шевченко икки бор боши билан скандинавияликлар «ис- техкоми»ни забт этгани- нинг ўзини мисол тари- қасида келтириш етарли.

Зоҳиджон ХОЛОВ



«Учар голландлар»нинг қаноти қайрилади(ми?)

Шундай вазият рўй беради: яқинингиз эртага операция столи- га ётқирилади. Унга кўп миқдорда қон керак. Фавқуллодда вазиятлар рўй бериб қолса, яна кимнингдир эҳтиёжи учун қон зарур бўлиши мумкин. Бундай лаҳзаларда донор- лар жонга оро қиради. Ҳўш, донор- лик нима?

Донор — бу сиз билан бизнинг ёни- мизда юрган оддий инсон — ишчи ёки тadbirkor, талаба ёки uy bekasi, ши- фокор ёки муҳандис. Ўзига нотаниш инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳам яшаши зарурлигини доимо ёдда тут- адиган олижаноб ва раҳмдил инсон. Донорларнинг мардлиги ва саховати туфайли иккинчи жаҳон уруши даври- да яраланган аскарларга 1 миллион 700 минг литр қон топирилганини кўпчилик билмас керак.

Айримларга қон топириш киши- ни хавотирга соладиган тadbир бўлиб туолиши мумкин. Шифокорлар бунинг мутлақо таҳликали жойи йўқ эканини таъкидлайдилар. Фанда биринчи мар- та қон топираётган донордан 200— 250 миллилитр, такрор қон бераётган донордан эса бир йўла 400—500 мил- лилитргача қон олиш мумкинлиги ва бунда донорнинг соғлиғига мутлақо зарар етмаслиги исботланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкило- ти тақлифига кўра, ҳар йили 14 июнь «Бутунжаҳон донорлар кuni» сифати- да белгиланган. Ўша кuni дунёнинг қайси бурчагига борманг, жумладан, жонажон Ўзбекистонимизда ҳам минг- лаб донорлар ихтиёрий равишда ши- фохона — поликлиника ва стационар даволаш муассасаларида қон топи-

ДОНОРЛИК — БЕҒАРАЗ КЎМАК

риш учун навбатда турадилар. Фавқу- лодда ёрдамга муҳтож беморлар учун тақдим этилаётган қоннинг учдан бир қисмини 25 ёшгача бўлган ёшларга тегишли экан. Соғлиқни сақлаш тизи- мида донорлик фаолияти муҳим рол ўйнайди.

Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобига мамлакатимизда бта минта-

бўлса, 2011 йилда уларнинг сони 109 минг кишига етди.

Донор ўнлаб кишиларга умид ва саломатлик улашади. У ёрдамга муҳ- тож беморлар орасида гўдақлар, ўсмирлар, ҳомилдор аёллар борли- гини унутмаслиги керак. Донор бўлиш- га аҳд қилган одам нафақат ўзи учун, балки ўзгалар учун ҳам саломатлигини сақлаши лозим. Бу, аввало, тўғри овқ- атланиш, вақтида дам олиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, сигарета че- киш каби зарарли одатлардан воз ке- чиш, ақлий ёки жисмоний меҳнат тури билан доимий шуғулланиш деганидир. Жаёт кеңиришининг ана шу оддий қоида- ларига амал қилган 18—60 ёш орали- гигадаги барча фуқаролар ихтиёрий ра- вишда донор бўлиши мумкин.

Кўпчиликда савол туғилади: донор бўлишни истаган киши кимга мурожа- ат қилади ва у билан қандай иш олиб борилади?

Аълонур Саидов, республика қон куйиш маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профес- сор:

— Хавфсиз ва тоза қон қийин вази-

ятади инсонни қутқаради. Соғлом, қони турли вируслардан холи киши- лар қон марказига келиб, донор бўлиш истагини билдирадиган бўлса, албатта улар текширувдан ўтказилади. Эритроцит, тромбоцит ва плазма ком- понентларига ажратилган қон таҳлили талаб даражасида бўлса, организмдаги умумий ҳаётбахш неъматнинг 10 фоизи, яъни 420 миллилитр миқдорида олиш мумкин. Донор махсус крес- лога ўтказилади. Унинг тирсак соҳаси тери қисми антисептик сууюклик билан артилади, сўнгра венадан қон йи- гадиған махсус пластик қолчага би- риктирилган стерил игна ёрдамда қон олинади. Ўша лаҳзада шифокорлар унга ширин чой берадилар. Унинг организмда топирилган қон миқдори 36 соат ичида раціонал овқатла- ниш туфайли қопланади.


Ҳа, донорларни ҳаётини севувчилар- нинг олдинги қаторига қўйиш мумкин. Уларнинг саховати билан қанчадан- қанча беморлар ёруғ ҳаётга қайтади. Бу инсоний туйғуни керагидан зиёда англагани учун ҳам донорлиқни ихти- ёр этган ва бу савоб ишини доимий ра- вишда амалга ошириб келаётганлар са- фида олий ўқув юрталарининг талаба- лари кўпроқ. Тошкент тиббиёт акаде- мияси, тиббиёт педиатрия институти, ахборот технологиялари, техника уни- верситетлари ёшлари ҳар йили рес- публика қон қуйиш марказлари томо- нидан уюштирилаётган қон топириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Зеро, ўзгалар тақдири учун қайғуриш ҳисси билан яшаётган кишилардан бошқалар ҳам ибрат олиши керак.

Хулқар тўйманова
Ибодат НИЁЗОВА



«ЎЗБЕКИСТОН»

нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-бесакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатта олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.
Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

ТА'СИС ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-618.
Tiraji 49463.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Nargiza IBROHIMOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Yul akuni — 20.30
Toshirildi — 21.30